

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“Санъат” факультети
“Муסיқа ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси

“Химоягатавсияэтилсин”

Санъат факультет декани в.б.

_____ профессор Б.Бойметов

« _____ » _____ 2013 йил.

5141000 “Муסיқа таълими” бакалавриат таълим йуналиши кундузги
бўлим битирувчиси

БўстоноваФеруза Бийтураевна
“ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ ЎРНИ”
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ

ИШИ

Илмий раҳбар:

Проф.Б.Ғ.Азимов _____

Такризчилар:доцент Э.Шаинская _____

300-умумтаълим мактаб

директори Н.Камалова _____

«Химояга тавсия этилсин»

«Муסיқа ва уни ўқитиш

методикаси» кафедраси

мудири _____ Д. А.Каримова

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	2
I БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Ўзбек эстрада санъати.....	8
1.2. Ёшлар орасида тарқалган санъат турлари.....	13
1.3. Мусиқий таълим орқали ўқувчиларга эстетик тарбия бериш.....	19
II БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ.	27
2.1. 6- синф ўқувчиларини эстрада жанри билан таништириш услублари. ...	27
2.2 Мусиқа маданияти дарсида ўқувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари.....	29
2.3.Замонавий эстраданинг ўқувчи-ёшлар онгига таъсири (ижобий ва салбий).	
III БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТАЖРИБА СИНОВ ИШЛАРИ.	39
3.1. 6-синф ўқувчиларини эстрада жанри билан ўқитишни инновацион ва замонавий педагогик технологиялар ёрдамида амалга ошириш услубиёти ..	39
3.2. Мусиқий таълимда эстрада жанри.....	44
3.3. Мусиқа маданияти дарсларини 6 – синф эстрада мусиқасини ўзлаштириш.....	50
Хулоса.	56
Иловалар.	58
Глоссарий.	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	69

РЕЖА

Кириш

I БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбек эстрада санъати.

1.2. Ёшлар орасида тарқалган санъат турлари.

1.3. Мусиқий таълим орқали ўқувчиларга эстетик тарбия бериш.

II БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ

2.1. 6- синф ўқувчиларини эстрада жанри билан таништириш услублари.

2.2 Мусиқа маданияти дарсида ўқувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари.

2.3.Замонавий эстраданинг ўқувчи-ёшлар онгига таъсири (ижобий ва салбий).

III БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТАЖРИБА СИНОВ ИШЛАРИ.

3.1. 6-синф ўқувчиларини эстрада жанри билан ўқитишни инновацион ва замонавий педагогик технологиялар ёрдамида амалга ошириш услубиёти

3.2. Мусиқий таълимда эстрада жанри.

3.3. Мусиқа маданияти дарсларини 6 – синф эстрада мусиқасини ўзлаштириш.

Хулоса .

Иловалар.

Глоссарий.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Республикаимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга ошираётганлиги билан характерланади. Табиий-ки, бу улкан вазифани ҳал этиш фуқораларимизнинг ижодий фаоллигини тинмай ошириб бориш ва камол топтириш билан узвий боғлиқдир.

Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маънавият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоғлиқ илмийлиги, шунингдек, тўғри назарий ва амалий негизга қўйилганлиги билан боғлангандир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ўртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир”¹.

Бинобарин, онгли яшайдиган эркин фуқаро мустақил фикрга эга бўлган ва фуқаролик жамияти маънавиятини камол топтириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосини ташкил этади.

“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваломбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялшимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтгандек, адабиёт яшаса – миллат яшайди.”

“Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 330 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради.

¹ И.А.Каримов Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари.-Т., “Ўзбекистон”, 2003. 3-бет

Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу юксак ва нозик инсоний кечилмаларни ифода этади. Машхур тарихчи Шарофиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган муסיкий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку муғул, хитою араб ва ажамдин ҳарким ўз расми билан нағма айтур эрди”, деган маълумотларни келтирган эди.

Мустақиллик йилларида улў боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда муסיқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз муסיкий меросимизни асраб – авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик- танловлар, нуфузли халқаро муסיқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Барчамизга аёнки, куй – кўшиққа, санъатга муҳаббат муסיқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, муסיқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавийт руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади.

Бу масалада айниқса ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг аҳамияти беъқиёс эканлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Айтиш мумкинки ўтган асрнинг бошларида илк намуналари пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий муסיқа санъати ютуқларини, жахон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, бу соҳа ривожига кўрсатилаётган

доимий эътибор, ёш истедодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилаётган кулай шарт- шароитлар муҳим рол ўйнамоқда.

Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юритар эканмиз авваломбор “Миллий эстрада” деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор қаратишимиз керак, уни ҳар қандай бегона таъсирдан айниқса “Оммавий маъданият” руҳидаги таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган “асарлари” санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусика, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик ажнабий “Оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш, “Юлдузлик” касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди албатта.

Айниқса бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ- одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни ёки талафузни атайлаб бузиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамотчилигимиз, авваломбор мусикашунос олимлар, узтоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очик билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

Биз учун ахлоқий жиҳатдан номақул миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли “юқимли касаллик” деб қабул қилишимиз лозим. Ва айти шу асосда бундай хурижларнинг ўта хавфли ҳолат эканлигини англашимиз зарур.

Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади”².

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон муסיқа маданиятининг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, муסיқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон муסיқа санъати тарихини ўрганиш ва муסיқий таълимни янада такомиллаштиришга қарата айтилган бебаҳо сўзлари, бу борада изланишлар олиб бориш нақадар зарурлигини тасдиқлайди.

Муסיқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган санъат туридир. Муסיқа тарбияси, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади. Муסיқа инсонни юксак дид билан қурооллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. Муסיқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва ғоявий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу-Носир ал-Фаробий “Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир”, деган эди. Бобомиз Шайх Саъдий: “Муסיқа одам руҳининг йўлдошидир” деб айтган. Муסיқа инсонга тез таъсир этувчи

² И.А.Каримов Юксак маънавият -енгилмас куч.-Т., “Маънавият”, 2008. 141-бет

эмоционал ҳиссиётни ривожлантирувчи воситадир. Инсон она алласи орқали муסיқа билан танишиб, умрбод мусиқадан завқ топади, мадад олади. Муסיқа инсон руҳиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мусиқадан турли озуқа олиш учун инсон юксак маданиятли, соф қалб эгаси, гўзалликни ҳис эта оладиган, ўз касбига, Она ватанига меҳр қўйган бўлиши керак. Шу боис ўқувчиларда инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган муסיқа маданиятини тарбиялаш, муסיқа тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради.

Танланган мавзунинг долзарблиги. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини “Муסיқа маданияти” дарслари орқали маънавиятларини ошириш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг ўз имкониятларини намоён этиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини шакллантириш билан бир қаторда уларни эстрада жанри йўналишининг ўрни ва аҳамиятини замон талаби даражасида муҳимлигини тушунтириш йўллари белгилаш.

Танланган мавзунинг мақсади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Муסיқа маданияти” дарсларида ўрганилаётган мавзулар ва эстрада қўшиқлари мазмуни, асарларнинг жанри, бадий ижроси, композиторлар фаолияти, ижоди ҳақида кенг маълумот бериш ва улардан унумли фойдаланиб ёшларнинг муסיқий диди ва ижодини шакллантиришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари. Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун битирув малакавий ишда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

- умумтаълим мактаблари ўқувчиларини муסיқий асарларга қизиқишларини ошириш;
- халқимизнинг миллий муסיқий меросини ўзлаштириш, англаш орқали ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳисларини шакллантириш;
- тингланган асарларни мустикал таҳлил этиш малакаларини ўзлаштиришга қаратиш;

- олинган билим, тўпланган тажрибага суяниб дастлабки ижодкорлик кўникмаларини эгаллашга ёрдам бериш.

Тадқиқот объекти. Умумтаълим мактабларининг “Муסיқа маданияти” дарсларининг олиб борилиш мазмуни ва Тошкент шаҳар Сергели тумани 300 ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиларида эстрада жанрини таҳлил этиб тўғри англаш ҳамда дастлабки ижодкорлик йўналишларини эгаллаш омиллари.

Тадқиқотнинг назарий методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фармонлари, асарлари ва нутқлари, маърузаларида кўтарилган маданият, маънавият, маърифат, таълим-тарбия, кадриятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, кўрсатмалари, Ўрта Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбияга бағишланган фикрлари, педагогика ва психология фанларидаги мавзуга оид қарашларидан иборат.

Танланган мавзунинг илмий янгилиги. Умумтаълим мактабларининг “Муסיқа маданияти” дарсларида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарадорлигига таъсир этувчи эстрада жанри омиллари назарий-педагогик жиҳатдан ёритилади. Муסיқий таълим-тарбияга хизмат қилувчи Давлат меъёрий ҳужжатлари, ДТС, тавсиялар, дастурлар, нашр этилган дарслик, ўқув қўлланмалар, матбуот, интернет материаллари имкон доирасида таҳлил этилади.

Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, илова, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Ўзбек эстрада санъати

Эстрада тушунчаси – лотинча томоша кўрсатиш учун махсус кўтарилган, жой яъни сахна маъносини беради. XIX аср охирига келиб бу тушунча якка тартибда, кичик шаклда ижро қилиш маъносини англата бошлади. Драматург пьеса, режиссёр спектакл, актёр образ яратади. Уччала жараён бир кишида мужассам бўлиб, у кичик шаклдаги томоша яратса, номер деб аталади. Томоша – номер яратиш санъати XX асрдан бошлаб эстрада деб атала бошланди. Номер яратган ва уни санъат даражасида намойиш қилган шахс эстрада актёри деб улуғлана бошланди.³

Маълумки, XX аср ўзбек мусиқа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлди, “ноанъанавий” бастакорлик ижодиёти ҳамда янги концерт шакллари юзага келди. Шу муносабат билан мусиқий маданиятга ҳам “эстрада” тушунчаси кириб келди.

Дастлабки пайтларда унинг қўлланиш доираси ниҳоятда кенг бўлганлиги билан тавсифланади. Бу хусусда О.Бековнинг қуйидаги фикр-мулохазалари эътиборлидир: “Ёрқин ранг-баранг, кескин ўзгаришлар асосида тузилган, аммо ўзаро боғланмаган эстрада концерти амалда барча бадий ижодиётнинг назм ва мусикадан то циркгача қарийб барча турлари намуналарини ўз комига торта олишга “қодир” эканлигини намойиш этди. Ва ниҳоят филармоник концерт ва театр спектаклларида фарқли ўларок томошабин ва артистлар орасидаги ўзига хос мулоқат, енгил боғлиқлик каби эстрада санъати ижрочилик табиатининг асосига айланди. Шу жумладан, томоша жараёнида тингловчи билан доимий, бевосита боғлиқ бўлиш ҳолати

³ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009й. 185 –бет.

Ўзига хос конференс каби эстрада жанрининг юзага чиқишига ҳам сабаб бўлди”. Муаллиф “эстрада” атамасини сахнавий санъат кесимида талқин этаркан, унинг белгиловчи фазилатлари сифатида “Жонли, ўзига хос содда мусикий шакллар, гоҳида муаллифларнинг ёрқин, шунингдек, жўнлаштирилган интонацион айланма ҳамда “Оммавий” рақсбоп усулларга ёндашувлари”ни алоҳида таъкидлайди. Ушбу фикрлар ўзбек мусиқа маданиятинг, асосан, 1920-1950 йилларига тааллуқлидир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги Ўзбекистон воқеиёлигида “эстрада” атамаси нафақат сахна билан боғлиқ ҳолда, балки мусикада ўзига хос йўналишни тавсиф этишда ҳам қўлланилади. Демак, мусиқа маданиятида “эстрада” атамаси “тор” маънода маълум ижро ва бадиий унсурлар бирлигига асосланган мусиқа намуналарини ифода этади.

Бинобарин, бу ўринда “эстрада” истилоҳи хусусий тушунча сифатида намоён бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу кесимдаги “эстрада”га оид “мусикий эстрада” тушунчасини қўллаб унинг заминиди “жадал усул”га асосланган барча сахнавий мусиқа жанрларининг мажмуини англаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, “эстрада” сўзининг луғовий маъносидан келиб чиққан ҳолда, яъни унинг кенг маънода, умумий “сахна санъати” тушунчаси сифатида ва тор маънода “мусикий эстрада” яъни махсус тайёргарлиги бўлмаган, тингловчи осонгина тушуна оладиган (жўн) хордиқ чиқариш мақсадларига хизмат қилувчи шаклан ва мазмунан оддий, тез эсда қоларли куй ва, асосан, рақсбоп усуллар (заминиди маълум қадар “бит”, яъний жадал усул)ни мужассам этган мусиқа намуналарига қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Назаримизда, “мусикий эстрада” атамасини тор маънода қўллаш пировардида “поп-мюзик” атамаси билан тенг маъноликка ва мазкур андазада ижод этилган асарларни мусикий соҳа даражасида таснифлаш каби қулайликка эришилади. Айни пайтда атамалардаги бир-бири билан узвий боғлиқ кесишув ва тафовутлар ҳам бартараф этилиши мумкин.

Ўзбек мусикий эстрадаси шаклланиши жараёни фолклор намуналари муҳим замин бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда қўшиқ, лапар ва айниқса шўх яллаларнинг рақсбоплиги, енгил оҳанг – усуллари қўл келганди. Айни пайтда бу ҳолат “Ўзбек мусикий эстрадаси”нинг миллийлик асосини ҳам таъминловчи воситалардан бўлди.

XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий вазиятлар ўлароқ шакллана бошлаган ўзбек эстрада қўшиқчилигини шартли икки даврга бўлиш мумкин:

- биринчиси анъанавий жанрлар – қўшиқ, лапар, яллалар ривожланган давр;

- иккинчи даврда эса фолклор жанрлари мусикий эстрада талаблари асосида услубан қайта ишланиш бошланган даврдир.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган даврдан бошлаб яратилаётган санъат асарлари орасида Ватан, истиқлол, озодлик, миллат ҳақидаги қўшиқлар кенг ўрин олди.

Бошқа санъат турлари қаторида энг оммавий санъат тури – мусикий эстрада ривожини учун янги шароит, янги тизим жорий этилди.

1996 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПФ-1419 сон) Фармонида биноан “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди. 2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Эстрада қўшиқчилиги санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги (2001 йил 26 июндаги 272-сонли) қарори эълон қилинди. Қарорда Республика кенг мусикий жамоатчилиги вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намоёндалари, “Маънавият ва маърифат” Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академия ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов раислигида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тузилди, унинг асосий вазифаси этиб:

- эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш;

- замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусика маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;

- мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайллари ва бошқа маданий - маърифий тадбирларга доир тавсиялар тайёрлаш;

- миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

- соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига тавсия қилиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис қилиш, эстрада намоёндалари, авваламбор, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш ва ҳоказолар кўрсатилган эди.

Эстрада санъатини ривожлантириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида Миллий Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этадиган хўжалик ҳисобидаги “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бирлашма қошида ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи кенгаши фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори нафақат эстрада қўшиқчилиги соҳасида фаолият юритувчи субъектлар, балки умуман мусика санъати ижрочилиги билан шуғулланувчи гуруҳлар ва якка шахслар

ижодий фаолияти учун кенг йўл очиб берди ва мазкур соҳа вакиллари олдига тегишли вазифаларни қўйди.

Айниқса, “санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савияси”га қараб “Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси” томонидан махсус рухсатнома (лицензия)лар берилиши айтиш муддао эди. Бу мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф қўшиқларнинг маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатишини чеклаш билан биргаликда, касбий ижрочилик меъёрини белгилашда муҳим омил бўлди. Ўз-ўзидан лицензия асосида фаолият юритадиган санъаткорларнинг мақоми касбий ижрочиларга тенглаштирилди. Оддий қилиб айтганда, ҳақиқий ижодга кўмак берувчи ва ривожлантирувчи махсус ташкилот иш бошлади. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бўлинмалари фаолиятларига ҳам раҳбарлик қилиши, мазкур ташкилот олдига қўйилган вазифаларни марказлашган тарзда бошқарилишини кўзда тутилганлиги билан биргаликда, бадиий-ғоявий яхлитликни таъминлашга ҳам қаратилди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси билан Анор Назаров, Алишер Икромов, Алишер Расулов, Дони Илёсов, Баҳрулла Лутфуллаев, Дилором Омонуллова, Султонали Раҳматов каби бастакорлар, Қодир Мўминов, Шокир Аҳмедов, Маъмура Эргашева, Насиба Мадраҳимова, Муяссар Сотволдиева, Вилоят Оқилова каби балетмейстерлар ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳамкорлик Озодбек Назарбеков, Ғуломжон Ёқубов, Зулайҳо Бойхонова, Собир Мўминов, Илҳом Фармонов, Гулсанам Мамазоитова, Аваз Олимов, Иззат Ибрагимов, Абдулла Шомарупов, Райҳон Ғаниева, Рашид Холиқов, Анвар Ғаниев, Ғиёс Бойтоев, Маҳмуд Намозов, Мавлуда Асалхўжаева, Тоҳир Содиков, Севара Назархон, Шухрат Қаюмов, Феруза Жуманиёзова, Дилноза Исмиёминова, Самандар Ҳамроқулов, Ёдгор Мирзажонов, Жаҳонгир Отажонов, Жасур Мирсагатов, Сардор Раҳимхон, Ирода Дилроз, Лола Аҳмедова, Фирдавс Пазледдинов, Хулкар Абдуллоева, Абдували Ражабов, Севинч Мўминова, Шахло Рустамова, Оғабек Собиров, Анвар Собиров, Акмал Исроилов, Ҳосила Раҳимова, Тошпўлат Маткаримов,

Азиз Ражабий ва бошқалар ижодининг мавзу жиҳатдан бойишида муҳим ўрин тутди.

Улар томонидан яратилган асарлар Мустақиллик, Наврўз, “Ўзбекистон - Ватаним маним”, “Нихол”, “Шарқ тароналари” ва шу каби ўнлаб Халқаро ва Республика кўрик-танловларида, фестивал-форумларда, байрам ва ток-шоуларда ижро қилина бошланди. Уларнинг орасида Озодбек Назарбеков, Насиба Абдуллаева, Ғуломжон Ёқубов, Ғиёс Бойтоев, Маҳмуд Номозов, Гулсанам Мамазоитова каби ўнлаб хонандалар томонидан ижро қилинган кўшиқлар миллийлиги ҳамда бадиий-ғоявий савиясининг юқорилиги билан ажралиб туради. Кўшиқларда акс этган миллийлик, Ватанга садоқат, қолаверса, хонандалар қалбида шаклланаётган тафаккур - эстрада кўшиқчилигида жиддий изланиш, янги йўналишларни топиш жараёни кечаётганидан далолат десак, муболаға бўлмайди.

1.2. Ёшлар орасида тарқалган санъат турлари

Замонавий ўзбек эстрадасидаги оқимлари. Ўзбек тингловчиси учун янги бўлган мусикий эстрада оқими “реп”нинг “ғарблашган”, пайдар-пай сўзлари уммонига кўмиб бораётган қалқиб юриши, ёшлар унинг келиб чиқиши ҳақида ўйлашга вақти йўқ. Айтиш лозимки, “реп”нинг таҳлилдан йироқ товуш комбинацияси, маълум бир тартибга туширилмаган усуллари ва оҳанглари мазмунини “янгилик” деб, кўр- кўрона баҳоловчилар сони кўплаб кузатилмоқда. Танқидчилар репни йўналиш сифатида бирон-бир эстетик таъсир берувчи бадиий жанр сифатида ҳам қабул қилмаяптилар. “Реп”нинг ифода хусусияти, яъни “синик” усуллари, ноаниқ оҳанг тизими “янгилик” деб баҳоланиши янги оқимнинг бошланиши, қолаверса, унинг бадиий жиҳатларининг асосий белгиси пайдар-пайлик эканлиги репчилар томонидан ўзларига маъқул даражада изоҳланиб турибди. Бу масала мусиқашунослик мезонлари бўйича ҳам ғайритабiiй - бепардаликка мослашиши мумкин.

“Реп”га жўрнавозлик қилиш нафақат миллий, балки поп, рок ва ҳоказо ижро услубларида фойдаланиладиган чолғуларни ҳам ноқулай, тўғрироғи,

ноаниқ ифодага чорлайди. Бу услуб ижрочидан овоз кучи, тембр ва диапазон талаб қилмайди. Оҳанг тизими ҳам айтиб ўтганимиздек, мусикий оҳанг канонларидан йироқ, “оҳанглашувгача” бўлган интонацияда шаклланган. У кўшиқчининг гавда ҳаракатлари, оёқ ва кўл ҳаракатлари билан мазмунан боғланмаган. Фон сифатида “ракс” ижро қилувчилар ҳаракатлари ва “реп”чи ҳаракати орасида синхронлик йўқ. Уларнинг ҳаракатларида яхлитлик - композиция кузатилмайди. Мавжуд ҳаракатлар ва “реп”чи ижроси бир мақсадга бўйсундирилмаган. “Реп”чи ҳам, раққослар ва раққосалар ҳам ўзларининг алоҳида ҳаракат тури атрофида чегараланади.

Соф интонация йўқлиги туфайли жўрнавозлик қилувчи чолғулар сафида миллийлик аломатларини келтириб чиқарувчи товушлар ҳаракати ҳақида фикр юритиш мумкин ҳам эмас. Сабаби, қайд қилганимиздек, бу ижро йўналишида соф интонация “ғализлик” белгиси сифатида тушунилади. Кўшиқчи интонациясининг “тозалиги” бепардаликка яқин товушлар мажмуидан ташкил топиши улар учун муҳим омил саналади.

Хориж “реп” товуш тизимини тўғридан-тўғри кўчириб, бадий “бойитиш” мақсадини амалга оширишда ҳам, ижрога шахсий талқин - ифодасини қўллашда ҳам ноаниқликлар мавжуд.

Поп, қисман рок йўналишида ижод қиладиган ижрочилар сахналардан ташқари турли халқ маросимлари (тўйлар, байрамлар ва ҳоказо)да иштирок этсалар, реп фақат сахнада қолиб кетмоқда. Унда мужассам бўлган репперона ғоя замонавий хориж мусиқа психологиясидан шарқ, хусусан, ўзбек тингловчиси тафаккурига мослаб, табиий тарзда сингдирилмас экан, унинг фаолияти оммалашмайди. Унинг эстетик маънавий таъсири миллий мусиқа ва унинг ҳақиқий дурдоналари билан ҳали танишиб, баҳра олиб улгурмаган ёшлар руҳиятини бадий жиҳатдан номукамал, мавҳум мазмун билан чалғитмаслиги керак. Шарқона эстетик вазифа улар учун ҳам ижод маҳсули бўлиши лозим.

“Реп” оқимининг дастлабки шаклланиши давридаги омадсиз “изланишлар” даври ўтди. Бундай асарлар ижодкорлари янги топилма

килаётганлар каби, шарқ ва ғарб ижодкорларидан кўчирма қила бошлашлари билан биргаликда ана шу ижод принципини ўзлари даражасидаги фикрловчи санъаткорларга ҳам сингдира бошладилар. Чунончи, “реп” йўналиши ижодкорлари яратаётган кўшиқлар шоу-бизнес талабларига мослаштирилиб, халқ бадий тафаккури қобиғидан чиқиши оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бу борада айрим таниқли эстрада кўшиқчиларининг фикрларида ҳам ноаниқликлар мавжуд. Хусусан, “...мақомларни маромига етказиб ижро этадиган санъаткорлар нега уч-тўрткун концерт бера олмаяпти-ю, кеча чиққан “реппер” уч кун концерт берди? Чипталар етмай қолди”. Шоу-бизнесни тўғри қабул қилиш керак. Қанақа реп услуги ёки йўналишида ижод қилаётган ёшларнинг йўли тўсилиши ёки ушбу йўналишга барҳам берилиши керак, деган фикрдан энди кўплар воз кечди. Шунинг билан биргаликда уларнинг нияти фақат чипта сотиб, одам йиғишдан иборат, халқ бадий тафаккуридан йироқ бўлган “Чет” андазасини миллий мусикий талабларга зид қўйиб, шарм-ҳаё, ибo, қолаверса, кўшиқ айтиш санъатини ўзлаштирмасдан “қуйлаш”дир деганлар ҳам ўзгарди.

Шунингдек, “реп” йўналишидаги “кўшиқ”, “ракс” ва уларга жўрнавoзлик қилувчи чолғулар садосидаги айрим товушлар бадий нуқтаи назардан репнинг специфик хусусиятига мос келсада, асар сифатида бажарадиган вазифаси эстетик нуқтаи назардан узoк, мазмунсиз, фикри ўринли, булар ҳам фалсафий мулоҳаза юрита oлади, деган тушунча эгалламоқда.

Энди “реп”чи қайси мусикий жанр йўналишида тарбияланиши жумбоқ бўлиб турибди, сабаби, номукаммал товуш фонини тузиш, рақссимон гавда ҳаракатлари ва “кўшиқ” мазмунини қўл oрқали ифoдалаш – яхлит бадий тўқисликдан узoқлиги бунга сабаб бўлмоқда. Демак, бу йўналишда ҳам шарқона меъёр бўлиши ушбу oқим мазмунига oйдинлик киритади. Тамoмила мустақил жанр сифатида мавжуд эстрада йўналишлари қобиғида, уларга қарам бўлмасада, “кўшиқ қуйлаш” принциплари “реп”чилар

томонидан ўзлаштирилиши керак бўлади. Акс ҳолда, унинг яратилиши ва ижро принциплари мавҳумлигича қолиб кетиши мумкин.

Эстрадада замонавийлик ва миллийлик. Бастакор аранжировкачилар И.Ақбаров, Е.Ширяев, Э.Салихов, Е.Живаев ва бошқалар ижодида миллийликка таяниб яратилган мусиқий асарлар пайдо бўлди. XX аср - ўтган асрнинг иккинчи ярми эстрада мусиқаси ҳам алоҳида жанр даражасида санъат тури сифатида шакллана бошлади. Чунки, уларнинг дастлабки асарлари эстрада-симфоник оркестр жўрлигида ижро қилинган бўлса, сўнгра электрлаштирилган гитаралар, ундан кейинроқ гитаралар сафига қўшилган органлар ва бошқа чолғулар иштирокидаги ансамблларда амалга оширила бошланди. Қайд қилинган чолғулар ўзбек миллий мусиқа ижрочилигида иштирок этмаса-да, улар орқали миллий “ифода” бериш учун турли ёндашувлар, изланишларга олиб борилди.

Шундай бўлса-да, миллий мусиқа товуш воситаси - миллий чолғулардан фойдаланиш кенг миқёсда ўз аксини топгани эмас эди. Кейинги йилларда миллий чолғулар ижроси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги эстрада-симфоник оркестр фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Эндиликда эстрада кўшиқлари орасида миллийлик канонларига таяниб яратилган асарлар қаторида қўйилаётган “кўчирмачилик”, ғализ интонация, “қуроқлашган” оҳанг тизими ва ҳоказо ижрочилик билан боғлиқ унсурларни ёритишга урғу берилмоқда.

Эстрада хонандасининг касбий даражаси мумтоз мусиқа ижрочилари қаторида миллат бадиий ғояси ва ички дунёсини англаш билан биргаликда, халқ тарихи, социал ўзгаришлар ва маънавий талаб асосида тўлдирилиши лозим. Бу маълум бир мусиқий оқим ёки шаклга интилиш билан белгиланмасдан, давр бадиий ғоясига, халқ меросига боғлиқ кечиши мақсадли ҳисобланади.

Мусиқадаги эстрада жанри, бу - турли маданиятлар, халқлар бадиий ғоялари акс этган мусиқа туридир. Лекин, унинг барча кўринишларига енгил

музыка - инсон руҳига фақат ҳаётбахшлик кайфиятини олиб кирувчи омил сифатида қаралади.

Бу йўлдаги изланишлар оҳанг ўғирлиги, яъни қароқчилик ноқасбий даражадаги мутахассислар орасида “ўзи ёзиб”, “ўзи куйловчилар” сафини кенгайтириб юборди. Сунъий тарзда тўкиладиган жўровозлик билан бирга кўшиқчи овозидаги нуқсонларни компьютер ёрдамида “текишлаш” ҳам йўлга қўйилди. Бу ҳақиқий санъатда анъана бўлиб келган узвийликни, ҳатто давомийликни ҳам инкор қилувчи “инкубатор” кўринишни жорий қилишдир.

Жаҳон эстрадаси юлдузлари орқасидан излаб қувиш, уларга кўр-кўрона таассуб қилиш, ҳатто назардан қолганларига ҳам саждада бўлиш ҳозирги кунда кенг авж олди. Бу ўзбек эстрадасидаги музыка жанрига нисбатан ўткинчи жанр ёки номустақил ижод тури сифатида қаровчилар сафини кенгайтди.

Эстрада музыкаси бошқа тизимга ўтиб кетди, унинг энди халқчил бўлиши қийин ёки мумкин эмас қабилида айтилаётган тезисларнинг кўпайишига имкон яратилди. Натижада “миллий эстрада” деган тушунча ҳали-ҳануз мезонсиз қолмоқда ва унга миллий музыка жанрлари қаторида ўз эстетик қийматига эга санъат тури сифатида жиддий қаралмай келинмоқда.

Ваҳоланки, ўзбек миллий эстрада кўшиқчилиги тамал тошини қўйган Ботир Зокиров ва унинг издошлари, замондошлари Юнус Тўраев, Стахан Раҳимов, Алиа Ёшпе ва бошқалар ўзбек эстрадаси сахнасида миллий ва номиллий куйлаш услубини синтезлаштириш натижасида уни шаклан ва мазмунан уйғунлаштиришга эришганлар.

Мазкур боғлиқлик турли меъёрий кўринишларга эга. Пировардида, ўзбек касбий кўшиқчилигидаги нола, қочиримларидек безаклари кўп халқларда мавжуд эмас. Ҳатто қатор жаҳон эстрада юлдузлари табиатида ҳам бизчалик товуш безаклари мужассамлашмаган. Шундай экан, нима учун айрим юлдузлар услублари бизда мажбуран ифода топиши шарт бўлиши керак?!

Мумкин, уларда мужассам бўлган ижро техникаси кўп жиҳатлари билан бизнинг касбий эстрада кўшиқчиларимизникидан устундир. Лекин, улар ўта қадимий маданияти, урф-одатларию қадриятларини асрлар давомида сақлаб, бойитиб келаётган халқ вакилларидан бадиий-ғоявий жиҳатдан устун бўлмасалар керак. Ана шу миллийлик унсурлари муштарак бўлган ижрочилик тизими ҳаёт қонуниятлари кесимида дунёвий тасаввурга эга бўлган Б.Зокиров, Ю.Тўраев, Н.Абдуллаева, М. Мавлонов, Ғ.Ёқубов, О.Назарбеков, М.Номозов, Ғ.Мамазоитова, каби қатор ижод соҳибларини етказиб берди. Уларнинг овоз динамикаси, диапазонлари ва тембрлари энг машҳур ҳисобланган Майкл Жексондан ҳам қолишмаслигини эътироф этиш муболаға бўлмайди.

Таниқли мунаққидлардан бирининг мақола муаллифи тилга олган: “Ахлоқи бузуқ, маънан қашшоқ одам сахнадан туриб томошабинни поклик ва олижанобликка даъват эта олмайди”, деган сўзлари, назаримизда, нафақат театр актёрларига, балки сахнага чиқаётган ҳар бир ижрочига (хонанда, раққоса, қизиқчи ва ҳоказо) ҳам тегишли.

Халқимизнинг маънавий камолотида барча санъатларнинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, кўшиқчилик санъати ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этиб бораётгани ҳаммамизга маълум. Негаки, кўшиқни ҳар куни телевидение, радио тўлқинлари, кўча-куйда, бозорларда, ҳатто автотранспорт воситаларида ҳам эшитамиз. Қулоққа ёқадими-йўқми эшитишга (тинглашга эмас) мажбурмиз. Ёши улуғлар ҳам бу ҳолатга кўникиб бўлишди. Шунинг учун бугун қаерга бормайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, гап айланиб эстрада хонандаларига келиб тақаляпти. Ҳақиқатан, янги-янги овозлар кўпайиб боряпти.

Юртимиз истеъдодларга бой. Ана шу ёшларнинг эмин-эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, “Ўзбекистон — Ватаним маним”, “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Ниҳол”, “Янги авлод”, “Янги номлар”, “Келажак овози” каби кўрик-танлов ва фестиваллар истеъдодларнинг юзага чиқишида катта омил бўляпти. Аммо шоли орасида

курмаги ҳам бўлганидек, бу соҳага муайян тайёргарликсиз кириб келаётганлар ҳам оз эмас. Ана шундай чаласавод хонандалар туфайли саёз, тумтароқ матнли кўшиқлар кўпайиб бормокда. Бу борада оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез чиқишлар ҳам бўляпти. Афсуски, бундай чиқишларни кўп ҳолларда аксарият зиёлилар ўқийди. Хонандаларнинг бирортаси танқидий мақолаларни ўқирмикан, деб ўйлаб қолсан киши. Очиғини айтиш керак, бугун кўшиқчилик санъати ва кўшиқчилар олдида талай вазифалар турибди. Профессор Шариф Юсуповнинг “Ҳофизнинг сўнгги хониши” мақоласида⁴ устоз санъаткорларимиз Шоқосим, Шоолим Шожалилов ва уларнинг устози Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзовларнинг эл олдида ўзини тутиши, бир-бирларига илтифот, санъаткор одоби ҳақида жуда ибратли воқеалар тилга олинган.

Буларни ўқиб, устоз санъаткорларнинг буюклиги нафақат уларнинг санъатида, оддийлигию камтарлигида бўлса керак, деган ўй ҳаёлимиздан ўтди. Файласуф Фридрих Шиллер “Санъаткор аср фарзанди, аср тантиғи бўлиб қолса ҳолига вой”, деганида минг бора ҳақ бўлганига имон келтирдик.

Кўшиқ миллат маданиятининг ўзига хос кўзгуси экан, хонандалар умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган, халқимизнинг орзу-умидларини ифодаладиган, эртанги кунга умид ва ишонч туйғуларини уйғотадиган, юртимиз шону шарафини кўтарадиган кўшиқлар яратиш йўлида мудом изланишлари, устозлар сабоғидан ибрат олиб яшаши зарур, деб ўйлаймиз. Ҳақиқий ижодкорнинг қалби доимо уйғоқ бўлади. Шундай қалблардан таралган эзгу наволаргина халқнинг кўнглига етиб боради.

1.3. Мусиқий таълим орқали ўқувчиларга эстетик тарбия бериш

Мактабда мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият юритаётган ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни мусиқа санъати орқали тарбиялаш жараёнида миллий мусиқага алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки миллий мусиқа санъатимизнинг мазмунан ранг-баранглиги: аллаю-кўшиқ, ялла, термаю-

⁴ “Театр” журнали 2010 йил 4-сон.

лапар, ёр-ёру-ўлан, катта ашулаю-мақом қайси бир жанрни у ўзининг дилбар оганги, шўх усуллари нолаю сержило қочирмалари билан ўзбекнинг табиатини, ўзгага ўхшамас удум ва урф-одатларини мусиқий оҳанглар орқали тараннум этади ва ҳар бир ўқувчи ёш уни тушунади, ҳис ҳаяжон билан идрок этиш ва ундан қалб тўла завқ-шавқ олиши табиий ҳолдир.

Ўқитувчи бошланғич синфларда таълим ва тарбия бирлигига эришмоқчи экан, шуни алоҳида назарда тутмоғи лозимки бу тарбиянинг муваффақияти қуйидаги педагогик шарт-шароитларни таълимоти орқали амалга ошириб бориши мумкин. Улар қуйидагилардир:

- ҳар бир дарснинг эстетик нуқтаи назардан аниқ мақсадга қаратилган бўлиши;

- дарс учун мусиқий материалларни, ўргатиш методларини, услуб ва воситаларни тўғри танлай олиш;

- ўқитувчи томонидан ҳар бир синф, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини, мусиқий қобилиятларини, ижро ва идрок имкониятларини ҳисобга олиши;

- ўқувчиларда мусиқий эстетик маданиятни шакллантиришга қаратилган мантиқий, мақсадга мувофиқлик узлуксизликнинг таъминланган бўлишлиги;

- мусиқий эстетик тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ҳиссий, ижодий ва ахлоқий фаолиятларининг мутаносиблиги таъминланган бўлишлиги.

Мусиқий тарбияда таълим билан тарбияни муштарак бўлишлиги таълимнинг илмий онгли, кўргазмали, тушунарли, ўзлаштирилган билимларни мустаҳкам бўлиши каби тамойилларга жиддий амал қилган ҳолда олиб борилишига эришиш лозим.

Мусиқа дарсларида ўқитувчи ўз олдига ўқувчиларни мусиқий эстетик маданиятларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйса у ҳолда қуйидаги асосий кўрсаткичлар провард натижа эканлигини ёдда тутмоғи лозим:

1. Ўқувчиларда мусиқа дарсиларига нисбатан қизиқиш ва ҳавас тобора орта бориши.

2. Синф ва синфдан ташқари мусиқа машғулоти жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббуси орта бориши.

3. Қўшиқларни хушоҳанг, мусиқани диққат ва иштиёқ билан тинглаш, асарлардан хушсозлик, хушовозлик ва ундан гўзалликни англай олишни, унга ўз муносабатини билдира олиш малакаларини шакллантириб бориши.

4. Мусиқий эстетик фаолият учун зарур бўлган билим малака ва кўникмаларни ўзлаштирган бўлиши.

5. Ўқувчиларда мусиқа санъати таъсирида гўзалликка интилиш, ростгўйлик, дўстликни қадрлаш каби ахлоқий эстетик тушунчаларни таркиб топа бориши. Дарсда ўзини тута билиши, муомала, кийиниш каби эстетик маданиятнинг бир қатор сифатларини шакллантириб бориши.

Ҳап мусиқада, таълим ва тарбия ҳақида кетар экан ўқувчи ёшларда энг аввало соғлом дидни шакллантириб бориш эътиборда бўлиши керак.

Юксак бадиий дидни тарбиялашда санъатнинг ҳамма турлари муҳим ва уларнинг ҳар бири ўз хусусияти ва имкониятига эга. Мамлакатимиз мактабларида эстетик тарбияни амалга ошириш, ўқувчиларда юксак эстетик бадиий дидни вояга етказиш учун зарурий замин ҳозирлаб беришнинг, ёшларга санъат асарларининг эстетик моҳиятини сингдиришнинг муҳим тармоғидир. Шу муносабат билан мактабда мусиқа тарбиясини амалга оширишда ўқувчиларнинг мусиқавий маълумотларига алоҳида эътибор бериш, уларни дастур талабларига мувофиқ мусиқавий билим билан қуроллантириш. Мусиқа ҳақида билим – маълумотларини чуқур, пухта ўзлаштиришга эришиш энг муҳим вазифалардандир.

Бадиий дид тарбиясининг асоси ҳам мактабда, дарс жараёни, ўқув машғулоти вақтида вужудга келади. Хўш ҳозирги мактабларимизда ўқувчиларнинг бадиий дидлари биз ҳоҳлагандек шаклланаётганмикин? Савол тариқасида шуларни аниқлаш мумкинки кўпчилик ўқувчиларимизда ғарб мусиқасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, уларни мактаб

дастуридаги куй ва қўшиқлар борган сари қизиқтирмай қўймоқда, ҳатто улардан қандай куй ва қўшиқларни ёқтирасизлар деб сўралса, албатта ғарб давлатларидаги ҳозирги машҳур қўшиқларни мисол тариқасида келтирадилар. Ҳатто қўшиқларни ижро этиб беришни илтимос қилишади. Уларнинг бу даражада ғарб давлатлари маданиятига ихлос қўйишлари натижасида уларнинг бадиий дидлари ҳам шунга мослашиб ривожланмоқда. Буни баъзи ўқувчиларнинг ташқи кўринишлари ҳам исботлаб турибди. Биз мактабларимизни қатъий суратда, фақат таълим мактаби эмас, балки эстетик мактаб бўлишига интиламиз. Ўқувчиларда эстетик дидни тарбиялашда мактабнинг бутун ҳаёти баробар қатнашсада, мусиқа дарсининг алоҳида аҳамияти бор. Яъни мусиқа дарси бадиий дидни тарбиялашда таъсирчан воситадир. Бу борада энг маъсулиятли вазифа мусиқа ўқитувчиларига топширилади.

Бадиий дид тарбиясини биринчи синф мусиқа дарслариданоқ бошлаш ҳар бир мусиқа ўқитувчисининг вазифасидир. Биринчи синфдаги дастлабки дарсларданоқ ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бир ўрганилаётган асарни диққат ва эътибор билан тинглашига, унинг ифода воситалари ва мазмунини тўла идрок этишига ўргатиши зарурки, бу шунчалик одат тусига кириб боради ва бадиий дидни ўстиришда муҳим рол ўнайди. Бундан ташқари ўқитувчи дарсни бадиий дид тарбиясининг қуйидаги асосий воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб бориши керак.

- қизиқарли репертуар тўплай билиш;
- ижрочилик малакаларини тарбиялаш;
- ашулачилик малакаларини ўстириш;
- мусиқа тинглаш ва таҳлил қила билиш;
- дарсдан олган билимларини турли мусиқа тўғаракларида такомиллаштириш.

Бу борада айрим таниқли санъаткорларимизнинг фикрларини келтирамиз: - Мусиқанинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Она алласи билан меҳр-муҳаббат, эзгулик, мурувват туйғулари қалбимизга жойланади.

Айниқса, миллий кадриятларимиз бўлган ракс, фольклор, эстрадаларимизда маънавий меъросимиз асраб-авайлаб келинмоқда. Миллий эстрада ҳақида сўз борганда, бетакрор овоз соҳибаси, ўзбек эстрадаларининг мохир ижрочиси Муножат Йўлчиевани тилга олиш даркор.

Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева илк маротаба “Ўзбекистон” халқаро форумлар саройида концерт дастури тақдим этишга муваффақ бўлди. Ушбу муносабат билан Фонд Форум Анжуманлар залида матбуот анжумани ўтказилиб, унда хонанда ҳамда унинг устози профессор Шавкат Мирзаевга журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди. Улардан айримларини келтирамиз:

- Кўпгина дунё мамлакатларида бўлиб, концерт дастурларингизни тақдим этгансиз. Айтингчи, ўзбек мусиқаси, ашулаларини хориж давлатларида ўрганишга бўлган қизиқиш борми?

- 2000 йил Бельгияда “Аёл овози” номли фестивалда Ўзбекистондан вакил сифатида иштирок этганман. Унда фақат аёл ҳофизалар қатнашади. Шунингдек, Эрон, Озорбайжон каби давлатлардан ҳам вакиллар бор эди. Фестивалдан сўнг, ташкилотчилар ҳар бир иштирокчига очик дарс ўтиб беришни таклиф этишди. Менинг дарсимга ўн нафардан ортиқ ўқувчи йигит-қизлар келди. Улар орасида санъатга алоқадор бўлганлар ва бўлмаганлар ҳам бор эди. Дарс машғулотлари давомида ўзбек миллий ашулаларимизни ўргатишни сўрашди. Шунда устозим билан келишган ҳолда “Омон ёр”, “Яллама ёрим” каби унчалик мураккаб бўлмаган қўшиқларимизни имкон қадар ўргатишга ҳаракат қилдик. Буни уддасидан чиқдик ҳам. Лекин, улар яна кўпроқ, айнан, эстрада ашулаларимизни ўрганиш ниятлари борлигини айтишди. Эстрада қўшиқларимиз улар учун мураккаб ва оғир эканлигини тушунтиришимизга қарамай, кўпчиликда худди шу қўшиқларимизга талаб кучли бўлди. Шунда устозим билан биргаликда Тошкент-Фарғона йўналишига кирувчи “Баёт-4” ашуласини ўргатдик. Демокчиманки, бундай ижодий жараёнлардан ижодий ҳамкорлик ҳам келиб чиқди. 2001 йил улар Ўзбекистонга ташриф буюришди ва мен ҳақимда ҳужжатли фильм суратга

олдилар. 2003 йил ижодий сафар билан яна Болгарияга борганимизда, улар мазкур фильм тақдиротини кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Қолаверса, бир неча санъатга қизиқувчи ёшлар шогирдликка тушиш таклифлари билан келишган. Мисоллар билан айтадиган бўлсам, бир француз ёш қиз миллий болгарча қўшиқларини ўрганиб, ижро этиб келаркан. Бизнинг эстрада ашулаларимизни ўрганиш истагини билдирганда, биз синаб кўриш мақсадида “Сумбула” қўшиғидан икки қатор айттириб кўрдик. У шу даражада маҳорат билан ижро этиб бердики, ҳайрон қолдим. Яна бир француз йигит дутор чолғу асбобини чалар экан. Уни ҳам синаб кўрмоқчи бўлдик-да, ўзбек миллий мусиқасидан ижро этишини сўрадик. У ҳам шундай чиройли куй чалдики, биз қаердан ўрганганлигини сўрашдан бошқа илож тополмадик. Йигит, аввалги концерт дастурларимизда мусиқаларни ёзиб олиб, мустақил шуғулланиб ўрганганлигини айтди. Қарангки, бошқа дин, бошқа миллат вакиллариини санъат қай даражада бирлаштира олади.

Яна бир фикр: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги бир йиғинда миллатнинг таниқли адиби шундай деди: “Оммавий маданият” тўфони дунё давлатлари сарҳадларини бузиб ўтаяпти. Бу хавф бизга ҳам кириб келди. Оммавий маданиятнинг хавф-хатари, бўҳронига қарши турганлар бугун жуда кўпчиликини ташкил қилар, лекин йиллар ўтавергач бундай аянчли ҳодисаларга киши кўникиб қолмайдими? Ўн йилдан кейин неча фоиз одам унга қарши бўлади, ўн беш йилдан кейин-чи? Йигирма, ўттиз йилдан кейин-чи?”

Хавотир асосли. Қайғуриб, ўртаниб бундай дейишга асос бор. Адиб ҳақ. Бундан 20-25 йил аввал Европа, океан орти давлати фильмларида кўрардик, ўзидан кетган қиз-жувону, аёлчалишларни. Шулар кино-ю, рок концертлар орқали тасаввуримизда ўрнашди. Аввал тасаввуримизда. Кейин... Кейин, йиллар ўтиб кўз ўнгимизда пайдо бўла бошлашди. Эй-ей, бизга нима, бу бизнинг миллатдошимиз эмас, сайёҳ-майёҳдир, келадиган-кетадигандир, дедик. Кейин... Кейин, очиғи бугун эса, ўша ярим ойдин, киндигига сирға, бурнига халқа, кулоққа алламбало тақинчоқлар таққанлар орасида

Ўзимизникиларни ҳам кўра бошладик. Эй, ўзбекми анави, ўғил болами, қиз болами? Ўзбекмасдиров. Талмовсирагандай бўлдик... Лекин, ер ёрилса-ю ерга кирсангиз ҳам шу - ўзбек болалари орасида ҳам шундайлар пайдо бўлди. Бу нимадан? Бу қаердан? Жавоб қисқа. Оммавий маданият, умумтурклик, умумфеълликка интилишнинг дабдабали ғоялари келтирган касофат, офат!

Бугун биттадир, иккитадир ўзидан кетган қиз-жувон, ёки ўзини эркин санаб қулоғига сирға урган “азамат”. Бундайларга бутун миллатимиз қаршидир, эҳтимол. Бу яхши. Кўпнинг қараши қарғишни қайтаради. Лекин оммавий маданият гирдобига тушиб, Худонинг қарғишига йўлиққанлар сафи эртага яна битта-иккитага кўпайса, буларнинг давраси кенгайса, ўз-ўзидан бундай шармисорликка қарши бўлганлар сафи камайиб бормайдими? Гап биргина киндигига сирға тақиб, яланғоч юрганлар ҳақида, ёки сими-симбати ўзгарган ҳалигичалишлар ҳақида кетмаяпти, балки, мафкураси бузилиб бўлганлар ҳақида кетаяпти, мафкурасиздан эса бундан ҳам ёмон нарсаларни кутиш мумкин.

Оммавий маданият глобаллашув кўланкаси остида кириб келаяпти. Эзгулик нурини тўсиб, ёмғир олиб келадиган кўланка булутининг “саховати” ернинг гуллаб-яшнаши учун нафи тегмайди. Ерга нур ва тоза ҳаво, шамоллар ҳам керак.

Оммавий маданият - сен ҳам биздай бўл, ўзингни ўйла, хоҳлаганингни қил, кийим кийма, хоҳласанг жинсдошинг билан никоҳдан ўт, хоҳласанг ҳайвон билан тақдирдош бўл (!?), эркин яша, атрофга қўл силта, сен ўзинг учун яша, қанақа ота-она? Қанақа қариндош-уруғ?.. хуллас, айтгулик дегулиги йўқ ақидалар сингдирилган усул ва воситалар орқали тарғиб қилинмоқда. Бу компьютер (интернет), қўл телефон, айрим телеканаллар, турли хил парнонашрлар, фильмлар, шоу дастурлар ва ҳоказо... Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиш давридаги балоғат ёшидагилар қисмати учун эса юқоридаги усуллар инсон ҳаётига тажовуз қиладиган ўқотар қуроллардан кўра ҳам хавфлироқдир. Қуролдаги ўқ битта одамни нишонга олади, оммавий маданият ўқи эса минг-миллионлаб инсонлар онгига қаратилади.

Бугун биз учун хавотир олишимизга асослар ҳам, мисоллар ҳам бор. Буларни ипидан игнасигача ёзиб, изоҳлаб ўтишни эп кўрмадик. Бирок, дунё айниб, дунё бузилиб, мафкура полигони ядро полигонларидан хавфлироқ тус олаётгани ҳақиқат. Катта адиб айтгани каби инсонни эзгулик, оқибат, яхшилик, меҳр-муҳаббат, садоқат, севги вафога ундовчи, ёруғлик, ахлоқ ва адаб тарғиботчиси бўлган адабиётнинг улкан, дунёвий намояндалари ҳам негадир жим тургандай... Нобель мукофотини олган ёзувчи-шоирлар ҳам бугун дунё бузилиб кетаяпти, дунё қўлдан кетаяпти, жим туролмайман, жим турмаслигимиз керак, деб бонг уришмаяпти. Жим ўтиришибди. Хафсаласизлик, мудроқлик ёки майдакашлик томир отгандай... Йўқ, дунё бундай хафсаласизликка кўникмаслиги керак.

Сиз билан биз эса дунёнинг бир бўлагимиз. Керак бўлса, бизнинг оиламизнинг ўзи дунёдан каттароқ дунё бўлиши мумкин. Ҳаммамиз ўзимизни, боламизни, уйимизни мафкуравий илдимизни асрасак, дунёни асраётган бўламиз.

Муסיқий таълим ва тарбияда тизимийлик, изчиллик, давомийлик принципи ҳар бир дарсда ўзининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосда ташкил топиши лозим. Муסיқа ҳақидаги билимлар доираси, муסיқа таълими ва тарбияси кенг, атрофлича бўлишига эътибор қаратиш асосий омилдир. Бунда инсон яратган муסיқага оид қоидалар, ҳулосалар, умумлашган мусиқавий тажрибалар ўз аксини топган. Дарснинг барча ўқув фаолиятлари ҳамда кейинги дарсларнинг ўзаро мантиқий боғланиши тизимлилик асосини ташкил этади. Ҳулоса қилиб айтганда, педагогиканинг умумдидактик принциплари, муסיқа маданияти дарсларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муסיқа ва ҳаёт уйғунлигини, меҳнат қобилиятларининг ривожланиши, бунёдкорликка йўналтирилганлиги билан катта ўрин тутади. Узликсиз таълим - ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакавий рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Демак, музика дарслари ҳам рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг барча турларини, Давлат Таълим Стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

II БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИЖОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ

2.1. 6- синф ўқувчиларини эстрада жанри билан таништириш услублари

Олтинчи синф музика дарсларининг мақсад ва вазифалари, ўқувчиларнинг психологик-физиологик хусусиятлари ва музикаий ўқуви, олдинги синфларда олган билим ва малакаларини даражасига асосланиб белгиланди. Бу синфда амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар музика тарбиясининг бош мезони ўқувчиларнинг маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган музикавий маданиятни шакллантиришга қаратилади. Мазкур мақсадларни қуйидагича амалга ошириш белгиланади:

1.Дарснинг барча фаолиятлари воситасида доимий равишда ўқувчиларнинг музикавий иқтидорини ривожлантириб бориш.

2.Вокал – хор малакаларини ривожлантириб, якка, жамоа бўлиб куйлаш икки овозли куйлашга ўргатиш.

3.Музика идрокини ривожлантириш ва асарларни тузилиши, шакли, лади, муаллифлари темпи ҳақида фикр юритишга ўргатиш ва эстетик завқланиш воситасида хотираси, нутқи дунё қарашини ўзгартириш.

4.Музика саводидан, оддий музика терминларини ва атамаларини моҳиятини музика амалиётида билиш ва ҳар бир музика асарида куйлаб бориш. Овоз диапазони (ДО₁ – Ре₂) қараб икки овозлик қилиб ўргатилади.

Олтинчи синф ўқувчиларида ўспиринлик даври бошланади. Бунинг натишжасида организмда актив ўзгаришлар рўй беради. Физиологик-психологик жиҳатдан ўқувчиларнинг овозини ўзгариши, бўйининг ўсиши, фанларга қизиқиши, мустақил фикр юрита олиши қобилиятлари ривожлана бошлайди. Натижада бош мия, етарли даражада озуқа ололмай хоргинлик ҳолатлари рўй беради.

Яъни дарс давомида ўқувчиларни диққат-эътибори тарқалади. Уларни жалб этиш қийинлашади. Бу даврда уларга жиддий меҳрибонона муносабатда бўлиш, дўстона суҳбатлашишни талаб этади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яхши ўрганиши лозим чунки ўқувчилар катталарнинг муносабатига жиддий эътибор берадилар, улар кўпроқ катталар билан муомалада бўлишни истайдилар. Ўқувчиларнинг интизомида айрим ўзгаришлар пайдо бўлади, боланинг истаги ва қобилияти орасида тафовутлар содир бўлиб туради. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан юқори малака ва тажрибани талаб этади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларни қуйи синфларда олган билим ва малакаларига ва ҳаётий далилларга суяниб иш тутиши яхши натижа беради. Бунинг учун дарс мазмунини ҳаёт билан боғлаб олиб бориш зарур. Қўшиқ ўргатиш ва мусиқа танлаш жараёнида асарлардан парчалар куйлаб овозларни созлаши болаларда қизиқиш уйғотади. Бунда ижро услубларини батафсил тушунтириш лозим. Асарларни таҳлил этишда ўқувчиларни фаол қатнаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир халқнинг ўз миллий мусиқа санъати мавжудлиги, мусиқа ҳар бир тарихий даврнинг бадиий акси эканлиги ҳақида ўқувчиларга аниқ тушунча ҳосил қилиши лозим. Шу асосда ўзбек мусиқасининг қисқа тарихи чолғу асбоблари ва мусиқа жанрлари, мақомлари, мумтоз қўшиқлари, замонавий қўшиқларини таққослаб кўрсатиш мумкин. Масалан: “Шашмақом”, Тожик ва Ўзбек халқларининг азалий биродарлик рамзи эканлиги, уларнинг кўп чолғу асбоблари бир хилда эканлиги ва бошқа халқлар фойдаланиши мумкинлиги ҳақида, халқ мусиқаси асосида яратилган композиторлик асарлар ва замонавий мусиқа билан таништириб таққослаш лозим.

Муסיқа саводидан ўлчовлар, ладлар, тон ва ярим тон, алтерация белгилари, динамик белгилари, репризалар билан таништириб муסיкий асарларни таҳлил қилиш яхши натижа беради. Олтинчи синфда ўқувчиларни овоз диапазони:

I-овозлар учун (До₁-Ми₂).

II-Овозлар учун (Си_{кич}- Ре₂) Бу даврда ўқувчиларга қўшиқларни иккиовозлик қилиб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу пайтда мутация даври бошланади. Мутация давридан олдин ўғил ва қиз болалар овози ўртасидаги фарқи унча сезилмайди. Мутация даврида қўшиқ ўргатиш ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Қўшиқларни болаларнинг овозларига мос тушиши ва дарс давомида уларнинг овозларини асраб авайлаш ишларига аҳамият бериш зарур. Дарсинг асосий қисмини ашула айтишга сарф этиб, овозларни чарчатмаслик лозим. Ўқувчиларни икки овозга ажратиб қўшиқларни икки овозлик қилиб, уларнинг овозларига мослаш овоз тарбиясининг муҳим воситасидир. Хор бўлиб куйлаш, муסיқа саводи, муסיқа танлаш фаолиятлари, асарларни таҳлил қилишда мавзулар асосида мантиқан боғланади. Янги дастур асосида йил мавзуси, чорак мавзуси ва дарс мавзуси бир-бири билан боғланади.

Олтинчи синфда йил мавзуси: “Мумтоз муסיқа”

I – чорак : Мумтоз муסיқа ҳақида маълумот.

II – чорак: Замонвий муסיқа ва унинг асосий хусусиятлари.

III – чорак: Шарқ халқлари мумтоз муסיқаси.

IV – чорак: “Европа мумтоз муסיқаси билан танишув”⁵.

2.2 Муסיқа маданияти дарсида ўқувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари

Инсон фаолиятининг бошқа турларида бўлгани каби, муסיқа санъатида диққат инсоннинг барча сенсор (ҳиссий), интеллектуал (ақлий), ҳаракатга келтирувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим ва

⁵ Шарипова Г. Муסיқа ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. 2000й.

зарур шартидир. Мактаб ўқувчиларга муסיкий маданиятда таълим бериш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг қуйидаги психологик –физиологик хусусиятларига эътибор қартиши лозим

Дикқат –маълум пайтда фаолиятнинг бир нарсага қаратилишидир. Асосан икки тур: ихтиёрсиз ва ихтиёрий дикқат мавжуд. Лекин яна бир ўзига хос турни ҳам ажратиш мумкин – у ихтиёрий дикқатдан кейин келиб, узок муддат давом этиши билан характерланади. Бу анча тигиз ва самарали ақлий фаолият бўлиб, барча турдаги меҳнатга юқори самарадорлик бағишлайди.

Муסיқа санъатида муסיкий фаолиятнинг барча турлари дикқат билан боғлиқдир. Айниқса, оммавий ижрочиликда дикқат жуда муҳим. Намойишдан аввал дирижёрнинг кўтарилган қўллари, ауфтакт, яккахон ва жўрнавон ўртасидаги ишора ва ҳаракатлар – буларнинг ҳаммаси муסיқа терминологиясида дикқат деб аталади.

Замонавий психологияда дикқат таркибида унинг сифат хусусиятлари ўрганилади. Бунга дикқат барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва ҳажми киради. Шунингдек, бу санокқа дикқат парокандалигини, бузилишини ҳам киритиш мумкин.

Дикқат – бу ўқув жараёнидаги энг муҳим таркибий бўлаклардан биридир. Барча буюк муסיқачилар фавқулудда дикқат эгаси бўлган. Масалан, Моцарт кўпчилик бўлган хонада ҳамда бегона овозлар эшитилиб турганда ҳам хотиржамлик билан муסיқа ёза олган. Польшалик пианиночи ва композитор И.Гофман мақсадга мувофиқ ягона иш услуби ҳақидаги саволга: дикқатни жамлаш – омад алифбосидаги биринчи ҳарф, деб жавоб берган. Рус композитори ва пианиночиси Н.Метнер бўлса: “Иш бошлашдан аввал яхшилаб дикқатни жамлаш ҳамда нима ва қандай қилишни билиш зарур, шунда муסיқачи камроқ толиқади ва чарчайди”,- деган эди.

И.Гофман шундай деган: “Иш тўла ақлий дикқат жамлигида бажарилгандагина серунум бўлади”. Бироқ “шу нарсани эсда тутиш керакки, машғулотларда миқдорий томон фақат сифат томони билан қўшилгандагина маъно касб этади”.

Эътиборлилик, диққатни жамлаш қанча муддат ишлаш керак, деган саволга чек қўяди. И.Гофман ҳар ярим соатдан сўнг танаффус қилишни ва ҳеч қачон танаффуссиз бир ёки икки соат ишламасликни тавсия қилган.

Муסיқачининг диққати турлича: кенг ва тор, кеч қолувчи ва илгарилаб кетувчи бўлиши мумкин. Ҳаракатларнинг автоматлашуви диққатнинг бир ерга жамланишига ёрдам беради.

Биз ўзимизни ўраб турган оламни сезги органларимиз ва ҳис қилиш орқали биламиз, керакли ахборотни оламиз.

Сезги – нарса ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали ҳис қилишнинг оддий психик жараёнидир. Сезги органлари билан мувофиқ тарзда сезгининг кўриш, эшитиш, ҳид, таъм, тери, мушакларни ҳаракатга келтирувчи ва органик сезги турлари мавжуд. Муסיқа санъатида эшитиш, тактил (пайпаслаб), яъни қўл тегизиш ҳис этиш, ҳаракат ва ритмик сезгилар катта аҳамиятга эга. Хонандалар, дамли (пуфлама) ва торли муסיқа чолғулари созандалари учун овозга хос ва оҳанг бўёқдорлигини таъминловчи вибрацион сезги ҳам катта аҳамиятга эга. Сезги қонуниятига уларнинг сифати, тезлиги, давомийлиги ва фазовий локализация каби хусусиятларини ҳам киритиш мумкин. Эшитиш сезгиси асосида муסיқачиларда ички эшитиш ва муסיқий эшитиш хусусиятлари ривожланади. Бизнинг анализаторларимиз мослашувчанлик қобилиятига эга, яъни қўзғатувчи таъсирга қўника олади. Узоқ муддат баланд овоздаги муסיқани тинглагандан сўнг биз “пиано” ёки “мессо-форте” овоз кучидаги нозик ўзгаришларни кам ҳис этамиз. Узоқ вақт сукунатда бўлгач эса, биз ҳатто ўрта кучдаги овозни ҳам баланд овоздек қабул қиламиз. Масалан, Шопен куйини ҳеч қачон баланд чалмаган. Лекин у пиано, пианиссимо, мессо-форте бобида тенгсиз ижрочилиги ҳисобига оҳангдорликка эришган.

Эшитиш сезгиси Муסיқа санъатида эшитиш сезгиси асосий ҳисобланади. Муסיқий эшитиш қобилияти –мусиқани тўла-тўқис қабул қила олиш қобилиятидир. Физиологик жиҳатдан эшитиш – бу эшитиш органлари орқали товуш тебранишларини қабул қилишдир. Товушлар ташқи қулоқ

орқали эшитиш нервлари (3000 та атрофида деб ҳисобланади, битта октавага 300-400 та тўғри келади) воситасида ўрта ва ички кулоқдан ўтиб, бош миёдаги эшитиш анализаторларига етиб боради. Шунингдек, анализаторлар айрим мусиқа чолғуларининг чалиниши (скрипка, алът, дамли чолғулар), *ff* да овоз чиқариш ва одамнинг гапириши ва куйлаши жараёнида бош миё суягининг тебраниши орқали ҳам овоз қабул қилади.

Психологик томондан мусиқий эшитиш қобилияти –мусиқий ахборотнинг ташқи акустик ифодаланишининг таҳлили ва синтези, унинг эмоционал баҳосини ифодалаб беришнинг ўзига хос механизмидир. Бу билан боғлиқ тарзда ритм, лад, куй, кўповозлик, тембрни ҳис етиш ва бошқа эшитиш турлари фарқ қилинади.

Мусиқий эшитиш қобилиятининг яна бир муҳим таркибий қисми умумий мусиқийлик ҳисобланади. Бу мусиқа ва мусиқий кечинмаларига эмоционал муносабатда ифодаланади.

Мусиқий эшитиш қобилияти мусиқий фаолият жараёнида ривожланиб боради. Мутлақ эшитиш қобилияти бундан мустасно, негаки уни махсус машқлар орқали такомиллаштиришнинг иложи йўқ. Билвосита йўл билан, яъни тембр ёки овознинг маълум ҳолати ва бошқалар орқали товуш баландлигини аниқлашга ёрдам берувчи “сохта” мутлақ эшитишни (Б. Теплов атамаси) ривожлантириш мумкин. Мусиқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун махсус машғулот дарси – сольфеджио ишлаб чиқилган.

Қобилият – маълум бир турдаги фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти бўлиб ҳисобланувчи шахсиятнинг индивидуал хусусиятидир. Қобилият – билим, малака ва кўникмалар эмас, балки уларга еришиш динамикасидир. Қобилият фаолият усуллари ва йўллари эгаллаш тезлиги, чуқурлиги ва пухталигида аниқланади.

Қобилият – фаолият жараёнида намоён бўлувчи имкониятдир. Масалан, агар инсон мусиқий фаолият учун зарур кўникмаларни эгалламаган бўлса, унинг мусиқий қобилияти ҳақида гапириш мумкин эмас. Амалиётдан мисол келтирамиз: ўқитувчи бир синфнинг икки ўқувчисига бир асарни

топширади. Бир ўқувчи бир ҳафтадаёқ бу асарни тез ва бехато идрок этади, бошқаси эса бир ойдан сўнг ҳам ижрода хатога йўл қўяди. Бундай ҳолларда ҳар қандай педагог ютуқлардаги фарқни қобилиятлардаги тафовут ҳисобига киритади. Демак, қобилият деганда инсоннинг лозим бўлган билим, кўникмаларни эгаллашида ва уларни амалиётда самарали қўллашида ёрдам берувчи психологик хусусиятлар тушунилади.

Қобилиятнинг энг юқори даражаси “талант” деб аталади. Талант – инсонга қайсидир мураккаб фаолиятни муваффақиятли, мустақил ва ўзига хос тарзда амалга ошириш имконини берувчи қобилият, табиий иқтидор ҳамоҳанглигидир. Талант ҳақида халқнинг ўзида “Худо берган” деган гап бор. Ўз навбатида, табиий иқтидор, қобилият, талант ҳаётий, касбий тажриба ва зўр меҳнат билан уйғунлашса маҳорат шаклланади. Агар қобилиятнинг Юқори даражада намоён бўлиши “талант” деб аталса, талантнинг Юқори даражада намоён бўлиши буюкликдир. Буюклик – бу инсон ижодий кучининг юксак даражада намоён бўлиши. Немис файласуфи Шопэнгауер бу ҳақда шундай дейди: “ҳеч ким теккиза олмаган мўлжалга теккизган мерган – талантдир, ҳеч ким кўрмаган мўлжалга теккизган мерган – буюкдир”.

Туғма ва ижтимоий омиллар. Қобилият масаласидаги марказий муаммо унинг ирсийлиги, туғмалигидир. Платон инсон қобилиятлари туғма эканлигини айтган ва инсон билган барча нарса унинг идеал билимлар дунёсида бўлган пайтидан хотиралар бўлиб ҳисобланади, деб тахмин қилган.

Машҳур табиатшунос Чарлз Дарвиннинг амакиваччаси Френсис Гальтон ўзининг биринчи китоби “Талантнинг туғмалиги, унинг қонуниятлари ва оқибатлари” (1869), шунингдек, бошқа китобларида таъкидлашича, буюклик ва истеъдод авлоддан авлодга берилади, ташқи муҳит омили эса бунда сезиларли роль ўйнамайди.

Машҳур поляк пианиночиси Игнасий Падеревский, аксинча, ўзининг ажойиб пианиночилик ютуқларининг сири нимада эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бера туриб айтади: “Бир фоиз талант, тўққиз фоиз омад ва 90 фоиз меҳнат”.

Машхур инглиз психологи Ганс Айзенк ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келган, талант муваффақияти тизимида генетик омиллар 80 фоизни ташкил этади. Нутқий қобилиятлар, хотира, тасаввур, ҳисобга олиш қобилиятлари генетик асосга эга. 20 фоизи ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ, уларга оиладаги, мактабдаги шароит, омад ва бахтли тасодифлар киради. Генетик ва ижтимоий омилларнинг бу муносабатини тажрибавий йўл билан текшириб кўриш мушкул.

Гальтон юқорида эслатилган китобида ижоднинг бир ёки бошқа тури бўйича қобилиятлар авлоддан-авлодга ўтган баъзи оилаларни мисол келтиради. Хусусан, Бах авлодларида мусикий иқтидор илк бор 1550 йилда кузатилган ва беш авлоддан сўнггина И.С.Бах даҳосида бир мунча кучлироқ намоён бўлди. Бахлар оиласида 60 га яқин мусиқачи бўлган; уларнинг 20 га яқини машхур деб тан олинган. Моцарт аجدодлари орасида 5 нафар, Гайднда эса иккита мусиқачи бўлган.⁶

2.3 Замонавий эстраданинг ўқувчи-ёшлар онгига таъсири (ижобий ва салбий).

Санъатнинг миллат ҳаёти ва унинг тараққиётидаги ўрни хусусида жуда кўп гапирилган, қатор илмий изланишлар олиб борилган. Санъат тушунчасининг таърифи ҳам талайгина. Лев Николаевич Толстой санъатни инсонлар орасидаги билвосита мулоқот услуби деб таърифлаган бўлса, Константин Сергеевич Станиславский: Санъат – инсон руҳининг бир вақт ва жойдаги гўзал ҳаёти деб таърифлайди. Гимнастика одам танасини тўғирлаганидек, санъат инсоннинг кўнглини, руҳиятини тиклайди. Санъатнинг қадрини англаш билан бирга инсон инсонларда инсонийликни англаб олади, ўзини мукаммал гўзаллик даражасига кўтаради, ором олади. Бундан ортиқ бахт йўқ дейди. Бошқа бир қанча файласуфларимиз ҳам бу борада ўзларининг бир бирини тўлдирувчи фикрларини баён қилганлар.

⁶ QODIROV R.G. . Musiqa psixologiyasi - T. Musiqa, 2005. -80 bet.

Хўш, ҳақиқий санъат асарини бошқа ижод махсулларида қандай фарқлаш мумкин ёки санъатнинг асосий вазифаси нимадан иборат? Кўнгилочарлик ва бошқа турли хурсандликлар учун балки бошқа бирор восита топиш мумкиндир? Унда санъат қандай вазифани бажаради. Бизнингча, санъатнинг энг катта вазифаси бу инсонларни яхшиликка, эзгуликка чорлаши. Ҳеч бир санъат асари бирор ёвузлик ёки хунрезликка чақирмайди. Фақат эзгу тилаклар ва эзгу ҳаракатлар оғушида бўлган жамият эса албатта “гўзал” жамият бўлиб қолаверади. Демак, санъат – гўзаллик демакдир. Санъатнинг вазифаси эса инсонлар ҳаётини гўзаллаштиришдан иборат.

Ўзбек миллий мусиқа маданиятининг таркибий қисми бўлмиш кўшиқчилик санъати ҳам узоқ ўтмишдан ва асрлар қаъридан ривожланиб келмоқда. Якка ва кўпчилик бўлиб кўшиқ айтиш деярли ҳамма халқларнинг бутун турмуш ҳаёти билан қадим замонлардан буён боғлиқ бўлиб келган. Маълумки, анъанавий маросим халқ кўшиқлари у ёки бу маросим муносабати билан халқ томонидан тўқилган кўшиқлар жамоа бўлиб ижро этилган ва улар ҳозирги давргача бизга етиб келган.

Зотан халқимиз бугунги ҳаётида ҳам кўшиқчилик санъати алоҳида ўрин тутди. Унинг садолари радио ва телевидение, театр ва концерт залларида, мактаб ва ўйингоҳларда янграйди. Мамлакатимизда кўшиқсиз бирон – бир тадбир ёки байрамларнинг ўтказилишини тасаввур этиш қийин. Кўшиқ билан ҳаётимиздаги барча воқеалар ҳам чамбарчас боғлиқдир. У инсонларнинг ички дунёсини бойитади ва ҳаётини гўзаллик сари чорлайди. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 27 августида “Ўзбекистон - Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақидаги фармони чиқди. Бу фармонга биноан, 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий кўшиқ байрами ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланадики «Меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғи, мустақилликни кўз–қорачиғидай асраб–авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадий савиядаги мусиқа асарлари

кўшиқлар байрами сифатида ўтказилиши лозим.»⁷

Ҳар бир санъаткор ўз даврининг илғор ва фаол аъзосидир. Унинг пайдо бўлиши учун айнан ўша муҳит, вақт ва у мансуб бўлган ижтимоий қатлам зарур бўлган. Санъаткор ҳар доим ҳам ўзи гувоҳи бўлган ҳаётни акс эттиради. Яратилганлигига бир неча асрлар бўлган асарларнинг айнан бир даврда оммавийлашиб кетишининг сабаби турмуш тарзи, ижтимоий муҳит шу асарни талаб қилганлигидадир. Санъат ҳар доим ҳам жамиятнинг яраларига дармон бўлиб келган. Бу яралар эса аксарият ҳолатларда ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги низолардан ҳосил бўлган. Масалан барчамизга таниш бўлган “Ромео ва Жульета” пьесасининг мавзусини юзаки тушуниб “севги муҳаббат” деб белгилашимиз мумкин. Аслида эса барча низолар икки қабила – оиланинг сабаблари аллақачонлар эсдан чиқиб кетган келишмовчиликлар сабабли пайдо бўлади. Мана шу сабабдан икки оиланинг ягона фарзандлари ҳаётдан кўз юмади. Мана шу сабабдан Мерквучио ўлими олдида “Икки уйингизга ҳам лаънат” – дейди. Бу асарларнинг саҳнадаги тўғри талқини, томошабинларни ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар доирасидан сакраб чиқишни ва ҳамкорликда яхлит жамият барпо этишни тарғиб қилади.

Кўпчилигимиз миллатни ёки бирор ижтимоий қатлам ва гуруҳни унинг аъзоларидан бўлган ёзувчи ёки шоир орқали таниймиз. Бадиий адабиёт ўзида жуда катта ғоя, нафислик билан бирга ёзувчи мансуб бўлган ижтимоий қатлам тўғрисида ҳам ахборот беради. Санъатдан фарқли ўлароқ бадиий адабиётнинг тарқалиш имконияти кенгроқ. Лекин санъат ана ўша бадиий адабиётни образларда, кўзга кўринарли ва қабул қилиш енгил, таъсирчан шаклларда номоён этади.

Абдулла Қаххор “Адабиёт атомдан кучли” – дейди. Бу фикрга тўлақонли қўшилган ҳолда, адабиётнинг жонланиши бўлган санъат унинг кучини ўн баробар ошириб юборишини эътироф этиш мумкин.

Ҳозирги кунда ғарб мамлакатларининг шарққа кириб келиши

¹ Маърифат, 28 август 1996 йил.

жадаллашиб бормоқда. Агар бирор ажнабий меҳмон ўзбек тилида сўзласа ёки ўзбек санъатидан намуналар келтирса унга бўлган муносабатимиз тез илликлашиб кетади. Масалан Лариса Москалёванинг миллий кўшиқларимизни куйлаши, швейцариялик хонимнинг ўзбек миллий либосларида рақсга тушиши ва бошқа кўпгина ҳолатлар, ижрочиларнинг шахсини билмасдан, уларни танимасдан уларга яхши баҳо беришимизга сабаб бўлади. Худди шунингдек чет эл гастролларига чиқувчи миллий мусика ансамбллари айнан ташриф буюрилган миллат композиторлари мусикаларини ижро этишга, халқаро фестивалларда ҳам айнан мезбон мамлакатга яқин бўлган санъат асарларини танлашга интилиш айнан ижтимоий мослашувни енгиллаштириш ваъжидан келиб чиққанлиги ҳаммамизга аён. Яна бир мисол: Швейцария давлати ўзининг беътарафлиги сабабли кўпгина иммигрантларни қабул қилган. Уларнинг ижтимоий мослашуви давлат ривожини белгилаб беради. Шунинг учун бу масала Швейцария давлатининг устивор йўналишларидан биридир. Бу борада жуда кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда миллий-муסיқий меросимиз, хусусан, халқ кўшиқлари ва улардаги усуллар алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг хал қилувчи омилидир”⁸.

Ўтмишда яшаб ижод қилган улуғ аждодларимизнинг илмий - маънавий меросларидан ёшларни кенг баҳраманд қилиб бориш, илғор фикр

⁸ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. – Тошкент, 1995. – 53 бет

ва карашларни бугунги кунда таълим-тарбияга боғлаш натижасида яхши самарага эришиш мумкин.

Шунингдек, музиканинг назарий асослари, унинг тарбиявий қуввати хусусида Шарқнинг буюк шоир файласуфи Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, мустика назариётчиси Дарвеш Али Чангийларнинг музикаий мерослари музикаий – эстетик тарбия муаммоларини ҳал этишда ноёб манбаа бўлиб хизмат қилади.

Демак, ўзбек миллий музикаий анъаналари мазмунида шахс камолотини таъминлашга хизмат қилувчи маънавий - ахлоқий карашлар мужассамлашган бўлиб, у муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ёшларнинг эътиборини фақат замонавий эстрадага эмас, шу билан бирга миллий ва анъанавий, мумтоз қўшиқларни қуйлаш ва тинглашга ҳам қаратиш лозим. Бунинг учун мустика дарсларида ёшлар тинглаши таклиф этилаётган қуй-қўшиқлар жамланган дисклардан, устоз-санъаткор ва бастакорлар ижоди билан боғлиқ адабиётардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Чунки санъатимиз тарихидан, устозлар бисотидан бохабар бўлмай туриб санъатнинг чинакам маҳиятини англаб етиш қийин. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг билим ва тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб иш тутиш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш таълимнинг самарали йўллардан биридир.

III БОБ. ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ДИДИ ВА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТРАДА ЖАНРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТАЖРИБА СИНОВ ИШЛАРИ.

3.1. 6-синф ўқувчиларини эстрада жанри билан ўқитишни инновацион ва замонавий педагогик технологиялар ёрдамида амалга ошириш услубиёти

Умумтаълим мактабларида 6-синф ўқувчиларини эстрада мусикаси билан таништириш, уларда бадиий эстетик борлиқни бутун таровати ва жозибаси билан ҳис этишни тарбиялаш муҳим педагогик-психологик вазифа бўлиб, устоз-мураббийлардан тинимсиз меҳнат ва ташаббускорликни талаб этади.

Ўрта таълимда ўқитиладиган Мусиқа маданияти фани изчиллик ва мантиқийлик асосида режалаштирилган бўлиб, ўқувчиларда ақлий имкониятларни маълум тизим асосида ривожлантириб боришга йўналтирилган.

Кейинги йилларда халқимизнинг маданий меросини, жумладан мусиқий қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, ўрта мактаблар ўқувчилари орасида эстрада мусиқа намуналари - кўшиқларни, халқ ашулалари ва куйларини ўрганиш, электр асбобларда чалиш истаги ортиб бормоқда. Ана шулар эътиборга олиниб, республикамизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактаблари Мусиқа маданияти дарслари учун яратилган дастурга “Эстрада”жанрига оид бўлган мавзулар киритилиб, 6-синф учун ўтиш режалаштирилди.

Мазкур дарслар жараёнида ўқувчилар эстрада кўшиқларини куйлайдилар, чаладилар ва мусиқа фани бўйича назарий билимларни эгаллайдилар.

Чунки, ушбу фан машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ўзбек эстрада мусикаси, хусусан эстрада мусикасининг яратилиш тарихи, унинг ривожланиб, такомиллашиб бориши жараёнларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқ мусиқаси асосан монодия⁹ шаклида ривожланган бўлиб, унда халқ кўшиқ ва рақслари, эстрада куй ва кўшиқлар, хусусан “Шашэстрада” мусиқаси кенг тараккий этган эди. Бу даврда халқ мусиқаси билимдонлари - Бухоролик Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Уста Шоди Адизов, Леви Бобохонов, шунингдек, Ҳожи Абдулазиз (Самарқанд), Мулла Тўйчи, Шораҳим Шоумаров (Тошкент), Уста Рўзиматхон Исабоев (Наманган), Тўхтасин Жалилов (Андижон), Мадрахим Шерозий (Хоразм) сингари хонанда ва созандаларнинг номлари халқ орасида машҳур бўлиб кетган эди.

Халқ профессионал мусиқа санъатида жанрларнинг таракқиёти давом этди. Шу билан бирга, бу хилдаги «мактаблар» халқнинг профессионал мусиқа таълимига бўлган муттасил интилишидан гувоҳлик беради.

Ҳозирги шароитда таълим соҳасига илғор ахборот ва педагогик технологияларнинг жадал кириб келаётганлиги сабабли, эстрада кўшиқларининг жозибали, мафтункор, ўзига жалб этувчи, тингловчининг ҳиссиётларига таъсир этиб, унда турли кайфият ва кечинмаларни уйғотувчи кучини ўқувчиларга ушбу воситалар орқали яққол кўрсатиш, уларда эстрада мусиқамизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш муҳимдир.

Яқин вақтларгача ўқув машғулотларида қўлланиб келинган аудио ва видеотехника воситалари фақатгина берилган мусиқий материал: турли мусиқа жанрларига хос асарларни эшиттириш ва кўрсатиш имконига эга, холос. Бироқ, бугунги кунда ушбу воситалар изланувчан ўқитувчи ва ўқувчини қониқтирмайди.

Бугунги кун талаби даражасида ёндашиб, ўрта таълимда “Мусиқа маданияти” фани машғулотини ўқитиш жараёнида ўқувчилар билан ишлаш фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, фан доирасида берилган эстрада асарининг нота матнини таҳлилий ўрганиш, ноталарни номлари билан аниқ интонацияда куйлаш, асарда учрайдиган турли интерваллар, динамика ва

⁹ Монодия – юнонча сўз бўлиб, бир киши томонидан ижро этиладиган кўшиқ, деган маънони англатади / Энци. муз. словарь. М., ГНИ БСЭ. 1959., С.158.

ижро суръатини аниқ тасаввур этган ҳолда куйлаш, шунингдек, ноталарни сольфеджио қилиб куйлаш талаб этилади.


Бундан ташқари, асарда учрайдиган мураккаб парчаларни алоҳида машқ қилиш, асарлар ва уларнинг парчаларини таҳлилий тинглаб ўз хулосасини чиқариш вазифаси қўйилади. Бу кўпқиррали бадиий мусиқий фаолиятни юқори савияда бажариш учун нота ижросини кузатиш, тинглаш ва кўриш, яъни аудиовизуал идрок этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таълимий вазифаларнинг барчасини юқори савияда амалга оширишда энг охирги компьютер дастурлари қўл келади. Мазкур замонавий компьютер дастурлари сирасига ҳозирги кунда дунё мусика амалиётида кенг тарқалган ва қўлланилаётган **“Финал”** (**“Финале”**) ҳамда **“Сибелиус”** (**“Сибелиус”**) нота матн муҳаррири дастурининг 1 – 6 версияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу компьютер дастурлари замонавий мусика амалиётини унинг назарий асосларига таянган ҳолда амалий тарзда акс эттириш имконига эгадир.


Жумладан, **“Сибелиус 4”** матн муҳаррири дастури воситасида:

- нота йўлига нотани ёзиш;
- уни таҳрир қилиш;
- тинглаш жараёнида қайси нота ижро этилаётганлигини реал тарзда кузатиб бориш;
- мусика асарини бошқа тоналликка транспозиция қилиш;
- мусика асарини олдинги тоналлигига қайтариш;
- маълум нота матнини нусхалаш;
- тингланган мусика асарининг нотасини автоматик тарзда экранда намоиш этиш ва зарур бўлганда қоғозда босиб чиқариш ҳамда бошқа кўпгина операцияларни бажариш мумкин.

Дастурни ишга туширишда дастлаб экранда барча вазифалар аниқ кўрсатилади. Шунда улардан бири танланади, масалан, агар тайёр материал олинадиган бўлса, унда чап томон юқоридаги биринчи ёзув белгиланиб, **OK** белгиси босилади (2-расмга қаралсин).




2-расм.



3-расм.


Агар янги бет очиб нота ёзиш талаб этилса, чап томондаги юқоридан пастга томон учинчи қатордаги ёзув белгиланади ва **OK** белгиси босилади (3-расмга қаралсин).

Нота ёзиш учун нота йўли акс этирилган саҳифа очилгач тоналлик белгиланади масалан, до мажор (4-расмга қаралсин). Ушбу белгиланган вазифалар дарҳол нота матнида ўз ўрнида пайдо бўлади ва ўқувчи онгида маълум дастлабки назарий билимлар акс этишига имкон яратади. Бу эса айнан эстрададарлар мусиқасига қизиққан, иқтидорли ўқувчиларнинг фан бўйича назарий билимлари мустаҳкамланиши баробарида уларда тафаккур ва идрок билиш жараёни юксалишига, амалий кўникмалар шаклланишига шарт-шароитни кенгайтириб, мусиқий билим олишга нисбатан эҳтиёж ва мотивацияни кучайтиради.




4-расм.

Сўнгра ўлчов қўйилади, масалан 4/4 (5-расмга қаралсин).



5-расм.

Нихоят, махсус экран кўрсаткичи (ёрдамчи клавиатура) воситасида нота матни нота йўлига бирин-кетин жойлаштирилади (6-расмга қаралсин).



6-расм.

Бундан ташқари, ўқувчи ўзи учун муҳим бўлган мусиқа парчасини ушбу дастур орқали компьютерда ёзиб, ўз ижросидаги хатони кўриши ва тузатиши, уни махсус дастурли синтезаторда ижро эттириб тинглаши ва ўз фаолиятини баҳолаши, турли жанр ва услубларга хос бўлган асарларни ёки уларнинг парчасини таҳлилий тинглаши ҳамда асар борасида маълум хулосаларга келиши мумкин. Бу эса ўқувчилар билан ишлашда юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлади.

Ушбу ҳолатни яратгандан сўнг, бакалаврларда эстрада мусиқаси борасида фикр юритиш, эстрадани қўшиқларини тинглаш ва ижро этиш самарадорлиги ошади, уларда интеллектуал ва мусиқий тафаккур, самарали идрок этиш фаолияти кучаяди, бадиий жараёни ҳис этиши тиниқлашади. Булар эса, биргаликда ўсиб келаётган ёш авлод - бакалаврларда ақлий ва ҳиссий имкониятларнинг ошишига кўмаклашади.

3.2. Мусиқий таълимда эстрада жанри

Ўрта таълим тизими мусиқа маданияти дарсларида эстрада мусикасини қуйидаги дарс ишланма асосида ўқувчиларнинг мусиқий тафаккур ва идроки шаклланиши даражасини оширишни кўзда тутдик.

“Мусиқа маданияти” фанидан ўтиладиган машғулотнинг методик дарс ишланмаси.

Мавзу: Эстрада мусикаси. (товуш хусусиятлари)

Ўқувчи сони: 27 нафар.

ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув машғулоти вақти: 45минут	
Ўқув машғулоти режаси:	1. Товуш ва унинг хусусиятлари. 2. Табиий товушқатор ва температураланган соз. 3. Замонавий мусиқавий тизим. Товушқатор.Октавали тизим. 4. Асосий ва ҳосила поғоналар. Тон ва ярим тон.
Ўқув машғулотининг мақсади: “Эстрада мусикаси ҳақида мусиқий назарий маълумотга эга бўлиш”. Мусиқанинг асосий ифода воситалари: метро-ритм, лад, куй, гармонияни тушуниш. Бадий образ, мусиқа тизими, товуш ва унинг хусусиятлари, товушқаторнинг таърифи, нота йўли ва акколадани ўргатиш.	
Педагогик вазифалар: 1. Мусиқавий товуш таърифи ва унинг хусусиятлари билан таништиради; 2. Табиий товушқатор ва температураланган соз ҳақида тушунча беради;	Ўқув фаолиятининг натижалари: 1. Мусиқавий товуш таърифи ва унинг хусусиятларини билиб оладилар; 2. Табиий товушқатор ва температураланган соз ўртасидаги фарқни билиб оладилар;

3. Замонавий муסיқавий тизим, товуш катор, октава ҳақида гапириб беради; 4. Асосий ва ҳосила поғоналар, тон ва ярим тон ҳақида гапириб беради;	3. Замонавий муסיқавий тизим, товушкаторни билиш, октаваларни ажрата оладилар; 4. Асосий ва ҳосила поғоналар, тон ва ярим тонни фарқлай оладилар;
Ўқитиш методи:	Кластер, тақдимот.
Ўқитиш воситалари:	машғулот ишланмаси, проектор, тақдимотлар, тарқатма материаллар, визуал материаллар, электрон материаллар, ноталар, фортепиано
Ўқитиш шакли	Жуфтлик, кичик гуруҳлар, жамоа шаклида ишлаш ва ҳар бир ўқувчига якка тартибда ёндашиш мақсадга мувофиқ.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Проектор, махсус доска, компьютер билан жиҳозланган синф хонаси, фортепиано, ноталар.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма, оғзаки сўров, савол-жавоб.

Мавзу № 1	МУСИҚА ТИЗИМИ.
-----------	-----------------------

ЎҚУВ МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1-босқич Кириш (10 дақиқа)	1.1. Янги мавзу, машғулот режаси, ўқув машғулотининг мақсади билан таништиради. 1.2. Мавзу юзасидан асосий маълумотларни таъкидлаб ўтади. (1-илова)	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар 1.2. тушуниб боради, ёзиб

		олишади.
2-босқич: Асосий қисм (25 дақиқа)	2.1. «Муסיқий тизим» мавзусини тақдимотлар ёрдамида тушунтиради. (2-илова) 2.2. Режага мувофиқ тарзда «Муסיқий тизим» мавзуси бўйича дарсликдан топшириқларни бажариш жараёнини ташкил этади, гуруҳларнинг тақдимотини ташкил этади, жамоавий муҳокамани ташкил этади, фортепианода топшириқларни кўрсатишни ташкил этади. (3-илова) 2.3 Гуруҳда ишлаш бошланишини эълон қилади. Мавзунини мустахкамлаш учун “Кластер” методидан фойдаланиб, жадвални тўлдиришга ундайди. (4-илова) 2.4. Тақдимотда акс этган саволлар юзасидан талабаларнинг жавобини эшитади, таҳлил қилади, фикр алмашади. 1. Ўқув курсининг мақсад ва вазифаси? 2. Товуш тушунчаси ва унинг хусусиятларини айтиш? 3. Регистр нима? 4. Товушқатор қайси поғоналарга ажратилади? 5. Клавиатуранинг октаваларини санаб ўтиш? (5-илова)	2.1. Ўрганиб боради 2.2. Топшириқларни бажаришади, эшитади, ёзиб оладилар ва муҳокама қиладилар 2.3. Вазифалар бажарадилар, 2.4. Саволларга жавоб беради, фикр алмашади.

3 - босқич. Якуний қисм (10 дақиқа)	3.1.Мавзу буйича якуний хулосаларни айтади ва баҳолаш жараёнини олиб боради, фаол ўқувчиларни рағбатлантиради. 3.2. Уйга вазифа сифатида топширик беради. (6-илова)	3.1. эшитади, саволлар беради саволларга жавоб берадилар. 3.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
--	--	--

МАВЗУНИ БАЁН ЭТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


Мавзу: Мусиқа тизими

Илова-1

Ўқув машғулоти режаси:

1. Товуш ва унинг хусусиятлари.
2. Табиий товушқатор ва температураланган соз.
3. Замонавий мусиқавий тизим. Товушқатор.Октавали тизим.
4. Асосий ва ҳосила поғоналар. Тон ва ярим тон.

Ўқув машғулотининг мақсади: “Эстрада мусиқаси ҳақида мусиқий назарий маълумотга эга бўлиш” Мусиқанинг асосий ифода воситалари: метро-ритм, лад, куй, гармонияни тушуниш. Бадиий образ, мусиқа тизими, товуш ва унинг хусусиятлари, товушқаторнинг таърифи, нота йўли ва акколадани ўрганиш.

Илова-2

- Муסיқа элементар назарияси курсида товуш сўзи икки хил тушунчани билдиради:
биринчиси – **физик ҳолатдаги товуш**;
иккинчиси – **сезги ҳолатидаги товуш**дир.

Илова-3


- Ma'lumki, biz kundalik hayotda juda ko'p, xilma-xil tovushlarni eshitamiz. Lekin bu tovushlarning hammasi ham musiqada qo'llanilavermaydi. Eshitish organlarimiz **musiqaviy** tovushlar bilan **shovqinli** tovushlarni bir-biridan ajratish qobiliyatiga ega. Shovqinli tovushlar, masalan, qarsillash, gumburlash, g'ijirlash, shivirlash, dukillash va hokazolar aniq tovush to'lqini balandligiga ega emas, shuning uchun ham bu tovushlar musiqada qo'llanilmaydi

Илова-4

Musiqaviy tovushning nazariy jihatdan to'rt xil fizik xususiyati mavjud. Ular
balandlik,
uzunlik (cho'zim),
qattiqlik (tovush kuchi) va
tembr (tovush tusi) dan iborat.

Илова-5

“Кластер” методи



Илова-6

Саволлар:

1. Ўқув курсининг мақсад ва вазифаси?
2. Товуш тушунчаси ва унинг хусусиятларини айтинг?
3. Регистр нима?
4. Товушқатор қайси поғоналарга ажратилади?
5. Клавиатуранинг октаваларини санаб ўтинг?

Илова-7

Б.Зокиров ҳаётини ўрганиб келиш

3.3. 6-синф “Муסיқа маданияти” дарсларида эстрада муסיқасини ўзлаштириш

6-синф ўқувчиларидан иборат тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида ўтказилган дарслар мобайнида ҳар бир тажриба синфида 27ўқувчи, назорат гуруҳида 28 ўқувчи, жами 55 ўқувчи иштирок этди.

Ўтилган дарслардан сўнг респондент (синалувчи)ларнинг жавобларини олишга ҳаракат қилдик.

Бунда тафаккур шаклланганлигини – эстрада асарлари матнининг мазмунини қанчалик англаганлиги билан; идрок шаклланганлигини эса – эстрада муסיқаси оҳангларини қанчалик ўзлаштирганлиги ва хотирада сақлай олганлиги даражаси билан аниқладик.

Экспериментал гуруҳлар билан махсус методика бўйича ташкил этилган машғулотлар якунида, экспериментал ва назорат гуруҳларида респондентларнинг эстрада муסיқаси борасидаги билимлари ҳажмини диагностик ўрганиш натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришдик.

Эстрадани тинглаш ва уни ўрганиш орқали ўқувчиларда муסיқий тафаккур ва идрок шаклланиши кўламини текширганимизда, назорат гуруҳларида билимларнинг анча пастлигини аниқладик.

Экспериментал гуруҳларда эса кўрсаткичларнинг ўсганлиги кузатилди. Жумладан, ушбу параметр бўйича махсус машғулотларни ташкил этишдан олдин ўтказилган диагностик текширувдан кўра, машғулотлар якунида ўтказилган текширув натижалари юқори бўлди (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал. Ўқувчиларда эстрада мусиқасини ўрганиш динамикаси¹⁰

Синф	Ўқувчи сони	Мусиқий тафаккур		Мусиқий идрок		Жами	
		н-	%	н-	%	н-	%
Назорат гуруҳлари (н-81)							
6	26	6	30	11	65	17	47,5
6	27	8	47	11	76,5	19	61,7
6	28	8	50	10	68,2	18	59,1
Жами	81	22	42,3	32	69,9	54	56,1
Тажриба гуруҳлари (н- 83)							
6	27	9	85	14	80	23	82,5
6	28	11	90	13	80	24	85
6	28	12	90,1	14	81,8	26	86
Жами	83	32	88,4	41	80,6	73	84,5


2-жадвалга изоҳ: н-респондентлар сони

Экспериментал гуруҳда: 1-мезон, мусиқий тафаккур бўйича кўрсаткичлар 42,3% дан 88,4 гача ўсганлиги кузатилди. Бунда машғулотлар давомида олиб борилган тадбирларнинг қанчалик самарали бўлганлиги кўриниб турибди.

2-мезон бўйича мусиқий идрокнинг кўрсаткичлари 69,9% дан 80,6% га ўсган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мутахассислик ўқув машғулотларида эстрада мусиқасидан кенг фойдаланиш орқали ўқувчиларда мусиқий тафаккур ва идрокни шакллантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, ушбу педагогик тадбирларни мунтазам, изчил тарзда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

¹⁰ жадвалда фақат “**ижобий**” жавоб берган респондентлар кўрсаткичлари ифодаланган.



Гистограмма

Юқорида кўрсатилган ушбу муҳим бадиий ва муסיқий-педагогик жиҳатлар ҳар бир ўқувчида эстрада муסיқаси орқали муסיқий тафаккур ва идрокни муносиб шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамасдан, ўқувчилар билан эстрада муסיқасини ўрганишда Ўзбек композиторларининг эстрада ва уларнинг таснифига оид ғоялари, фикрлари ва қарашларидан янада кенгрок фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ушбу имкониятлар аввало, замонавий аудио ва видео, мультимедиа воситалари билан жиҳозланган фан кабинетлари, чолғу асбобларининг мавжудлиги, мумтоз муסיқа ва хусусан, эстрадага оид илмий адабиётлар, катта китоб захирасига эга бўлган фундаментал кутубхона, ундаги абонемент бўлими ва қироатхоналар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилганлиги билан асослидир.

Эстрада муסיқасини ўрганишни оқилона ташкил этиш учун муסיқа фани доирасида ўқувчиларнинг гуруҳ ёки бадиий жамоадаги ўртоқлари билан тўғри ўзаро муносабатлар ўрнатиш (ижтимоий коммуникация, рефлексия, ижтимоий перцепция) йўллари кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бакалавр эстрада муסיқасини идрок этиш ва уни тасарруф қилиш учун ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарликни амалга оширади.

Муסיқа фани ўқувчиларнинг муסיқий тафаккур ва идроки шаклланишида уларда намоён бўладиган ҳиссий ҳаяжонни психологик мослаштириш, ижро маҳоратини янада такомиллаштириш, тарбиялаш

конуниятларини ўрганиб, эстрада ижросчилиги машғулотларини сифатли ташкил этиш услубларини ишлаб чиқади.

Ўқувчилар билан эстрада ижросини амалга оширишда пайдо бўладиган турли бадиий ва илмий-маърифий вазифаларни тўғри хал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур.

I. Эстрада ижроси фаолиятининг ўқувчилар руҳиятига таъсирини ўрганиш:

- а) ижро жараёнини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- б) эстрада ижросининг ўқувчилар характерида таъсирини ўрганиш;
- в) ўқувчиларнинг ахлоқий ва иродавий сифатларини ўрганиш;
- г) ўқувчи бадиий-ижровий фаолиятининг шарт-шароитларини психологик таҳлил қилиш;

II. Ўқувчилар билан эстрада ижроси машғулотини сифатли ташкил қилиш мақсадида махсус психологик кўрсатмалар бериш:

- а) ўқувчиларнинг тафаккур ва идрокини шакллантиришни сифатли ташкил қилишда эстрада мусиқаси имкониятларидан фойдаланиш;
- б) эстрада ижроси жараёнида ўқувчи организмнинг юқори даражада бадиий ишчанлигини, маърифий фаоллигини ўстириш йўллари топиш;
- в) эстрада ижросчилигининг алоҳида йўллари ўзлаштириш учун янги психологик услублардан фойдаланиш.

Эстрада ижроси ўқувчи бадиий фаолиятида объект ҳамда субъект сифатида намоён бўлади. Масалан, устоз-мураббий, синф раҳбари ва бошқа устозларга нисбатан ўқувчи *объект* ҳисобланади, аммо ўқувчиларнинг ўзига - ўзи онгли муносабатда бўлиши орқали *субъект* вазифасини бажаради. Буларнинг барчаси унинг бадиий ижросчилик маҳоратини такомиллаштириш имконини беради.

Эстрада ижрси фаолияти икки йўналишдан ташкил топади:

- 1.Эстрада ижроси бўйича машқ қилиш.
- 2.Эстрада ижросини қамраб олган турли кўрик ва танловлар.

Эстрада ижроси бўйича турли кўрик ва танловлар бадий фаолиятнинг асосий томонини ташкил этади.

Қуйидаги чизмада эстрада муסיқасининг ўқувчилар муסיқий тафаккури ва идроки шаклланиши ҳамда уларнинг маънавий ривожланишидаги ўрни ўз аксини топган.



Чизма.

Бугунги кунда эстрада ижросини амалга оширувчи ўқувчиларга “**Муסיқа маданияти**” фани кўмаклашадиган фанлардан бирига айланди. Жаҳон миқёсида муסיқа санъати бўйича янги ахборотларнинг жадал пайдо бўлиши натижасида, эстрада мусиқаси ҳам тез ривожланмоқда: бу йўналишда дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий нашрлар турли тилларда

чиқарила бошланиши натижасида эстрада муסיқаси соҳасида илмий тадқиқот ишлари бажариш учун истиқбол йўллари очилмоқда.

Экспериментал гуруҳда: 1-мезон, муסיқий тафаккур бўйича кўрсаткичлар 42,3% дан 88,4 гача ўсганлиги кузатилди. Бунда машғулотлар давомида олиб борилган тадбирларнинг қанчалик самарали бўлганлиги кўриниб турибди.

2-мезон бўйича муסיқий идрокнинг кўрсаткичлари 69,9% дан 80,6% га ўсган.

ХУЛОСА

Мазкур битирув малакавий ишида эстрада мусиқаси орқали ўқувчиларда тафаккур ва идрокни шакллантиришни янада кучайтириш мақсадида илмий фикр, ғоя ва қарашларини тадқиқ этиб, қуйидаги якуний хулосаларга келдик.

1. Кейинги йилларда мактаб ўқувчиларида маънавий юксалиш яққол кўзга ташланмоқда. Бунинг замирида ўзбек халқининг миллий ва тарихий маданий тараққиёти, юқори даражадаги маънавияти, миллий кадриятларимиз, эстрадага нисбатан шаклланган юксак ҳурмат-эҳтиром ва гўзал анъаналарнинг таъсири бор.

2. Экспериментал машғулотлар якунида ўқувчиларнинг эстрада мусиқаси таъсирида тафаккури даражаси кўрсаткичлари (1-мезон) 42,3% дан 88,4 гача ўсганлиги кузатилди. Бунда машғулотлар давомида олиб борилган тадбирларнинг қанчалик самарали бўлганлиги кўриниб турибди.

3. Ўқувчиларнинг эстрада мусиқаси орқали идроки даражасини ўрганганимизда, экспериментал гуруҳда кўрсаткичлар (2-мезон) 69,9%дан 80,6% гача ўсганлиги кузатилди. Бу, машғулотлардан олдинги натижаларга кўра анча юқоридир.

4. Эстрада мусиқаси, қўшиқчилик ва мусиқа тарихи машғулотларида Шарқ олимларининг эстрада мусиқаси ва унинг тарихий тараққиёти босқичлари борасидаги фикр, ғоя ва қарашларидан кенг фойдаланиш - ўқувчи-ёшларнинг умумий касбий ўсиши, камолотга эришуви ҳамда миллий маданий меросимизга ижобий муносабати шаклланиши учун кенг имконият яратади.

5. Эстрада мусиқасини тинглаш ва куйлаш ўқувчидан жисмоний ва психологик кучланишни талаб қиладиган фаолият соҳасидир.

6. Эстрада ижроси фаолиятининг якуний натижасини ўқувчи онгида эстрада борасида шаклланган фикр ва тасаввурлар, қолаверса, эстрада ижрочилиги кўрик танловлари, концертлар ташкил этади. Ушбу жамоавий

бадий фаолият турлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама такомиллашган, баркамол, ақлан етук бўлиб етишишларига ёрдам беради.

Айниқса, эстрада мусиқасини чуқур ва пухта ўзлаштириш ўқувчиларнинг тафаккур ва идрокини такомиллаштириши ҳамда уларда касбий етукликни таъминлашда юқори натижаларга олиб келиши муқаррар.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Т. Ўзбекистоню 1998 й.
 2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
 3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 64 б.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- 1.
 2. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг мажлисидаги маърузаси. “Туркистон” газетаси, 2010 йил, 13 ноябрь сони.
 3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.:Ўқитувчи, 1992. -160 б.
 4. Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. Тўпловчи, нашрга тайёрлаган. ва сўз боши муаллифи Б.Қосимов. - Т.: Маънавият, 1997. - 272 б.
 5. Адорно Т.В. Введение в социологию музыки. Двенадцать критических лекций. Избранное: Социология музыки. - М., СПб.: Университетская книга, 1999.
 6. Акбаров И.А. Муסיқа луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
 7. Актуальные проблемы возрастной и педагогической психологии. Под общ. ред. И.Ивашенко и др. Минск.: Высшая школа, 1980. - 176 с.
 8. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе. – М.: Просвещение, 1983.
 9. Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
 10. Баҳриев А.Р. Ўқувчиларда муסיкий идрок шаклланиши / Халқ таълими, №3/2002, 81-82 б.

11. Баҳриев А.Р. Ўсмир - ўқувчиларда музикани онгли идрок этиш мотивларини шакллантириш // Халқаро илмий-амалий конференция матнлари. ҚарДУ. 2001., Насаф, 198-201 б.

12. Баҳриев А.Р. Музикий идрокни ривожлантиришда халқ музикасининг роли // Педагогик маҳорат, №2/2002. 89-92 б.

6-синф дарслиги